

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТ**

**“ИҚТИСОДИЁТ”
КАФЕДРАСИ**

**5340100- Иқтисодиёт таълим йўналиши IV курс 5-46 гуруҳ
талабаси
КУСАМОВ АДҲАМНИНГ**

**“ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ТИЖОРАТ БАНКЛАРНИНГ ЎРНИНИ КЕНГАЙТИРИШ (ТИФ
“МИЛЛИЙ БАНК” СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ МИСОЛИДА)”
МАВЗУСИДАГИ**

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Ҳимоя учун қабул қилди:
“Иқтисодиёт”
кафедраси мудири и.ф.н.
доцент О.Сатторкулов
«__»_____ 2014 й.

Илмий раҳбар:
“Иқтисодиёт” кафедраси
ўқитувчиси Шоев О.Х.
“__”_____ 2014 й

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

I-БОБ. Банк тизимини шаклланиш босқичлари ва ривожланишининг ташкилий иқтисодий асослари

1.1.Банк тизимининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётда тутган ўрни.....	10
1.2.Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизимининг ривожланиши.....	26
1.3.Тижорат банкларининг барқарорлиги кўрсаткичлари ва уларнинг банк фойдасига таъсири.....	33

II-БОБ. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда ТИФ “Миллий банк” нинг роли ва уни такомиллаштириш йўналишлари

2.1.ТИФ “Миллий банк” нинг ташкилий-ҳуқуқий асослари.....	41
2.2.ТИФ “Миллий банк” нинг миллий иқтисодиётнинг ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришдаги роли.....	46
2.3. ТИФ “Миллий банк” томонидан ТИФ ривожлантириш устувор йўналишлари.....	68
Хулоса ва таклифлар.....	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	82

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон банк тизимини изчил ривожлантириш республика иқтисодиётини эркинлаштириш жараёнидаги энг муҳим масалалардан бири бўлиб, унинг ривожланиши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ислохотлар йўлида муваффақиятли одимлаши учун банк - кредит тизимини мустаҳкамлаш, уни ислох қилишни таркибий жиҳатдан ҳам, институционал жиҳатдан ҳам давом эттириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаши, республика иқтисодиётида банк тизимини тутган ўрни ва аҳамияти қанчалик муҳим эканлигидан яна бир бор далолат беради.

Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда республикада банк тизими шаклланиши ва ривожланиши тарихига доир масалаларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ёритиб беришда, унинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратиш ва айрим аниқликларни киритиш лозим.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида банк фаолиятини, биринчи навбатда, молиявий активларнинг сифатини ошириш, бозор институтларининг амал қилиш муҳитини яхшилаш, банк ишини юқори самарали ташкил этиш жараёни ва унинг тараққиёти билан белгиланади. Шу сабабли, банк тизимининг иқтисодий-тарихий ривожланиш босқичларини илмий ўрганиш, умумиқтисодий вазифаларни ҳал этишда банк салоҳияти ва унинг иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ривожланишини эркинлаштириш шароитида банк тизими фаолиятини жаҳон андозалари талаб ва тамойилларига тўлиқ жавоб бера оладиган даражада ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда унинг инвестиция фаоллигини ошириш, банк фаолияти самарадорлигини ошириш ва ривожланишининг яқин, узоқ келажакдаги истиқболларини ўрганиш илмий-амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда замонавий бозор иқтисодиётини барпо этиш борасида мисли кўрилмаган ўзгаришлар амалга оширилаётган бўлиб, тадбиркорлик ва хусусий мулкка асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига кенг имкониятлар тизимининг яратилаётганлиги бунинг яққол исботи бўла олади. Бугунги кунда иқтисодиётнинг ушбу сектори дунёнинг деярли барча мамлакатлари ва минтақаларида асосий ривожланиш манбаига айланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш иқтисодиётни тараққий эттиришнинг, энг аввало жамиятни ижтимоий ва сиёсий янгилаш, шунингдек аҳоли фаровонлигини ва бандлигини ошириш, ички истеъмол бозорини миллий маҳсулотлар билан тўлдириш, ишлаб чиқаришни сифат даражасига кўтариш ва экспорт салоҳиятини оширишнинг бош дастаги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини кредитлаш механизмини такомиллаштириш масаласининг долзарб эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорида тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларини модернизациялаш, техника ва технологик қайта қуроллантириш мақсадида ажратиладиган кредитлар ҳажмини 2011-2015 йилларда 2,8 мартага ошириш вазифаси қўйилган. Республикамиз

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.-Тошкент:Ўзбекистон,2011.-6.41.

Президенти И.А.Каримов 2011 йилнинг ижтимоий-иқтисодий якунлари ва мамлакатни 2012 ва ундан кейинги йилларда барқарор ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган ВМнинг йиғилишида мамлакатимизда банк секторида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тўхталиб қўидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтдилар: ”Охирги беш йил давомида мамлакатимиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базел қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган даражани ташкил этмоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, “Standart end Purs”, “Mudis” ва “Fitch Reytings” каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда “барқарор” рейтинг даражасини бермоқда, айти пайтда мамлакатимизнинг шундай баҳога сазовор бўлган банклари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Агар 2010-йилда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки “барқарор” рейтингини олган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 23 тага етди, бу банкларнинг активлари юртимиз банк тизими умумий активларининг 98 фоизини ташкил этмоқда.

Маълумки, аҳолининг банк тизимига ишончи ортиб бораётгани банклар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Шу маънода, 2012-йилда депозитларга 18 триллион сўмдан ортиқ, ўтган йилга нисбатан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилингани, жумладан, аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ошгани айниқса эътиборлидир.

Банкларнинг кредит портфели таркиби сифат жиҳатидан тубдан ўзгармоқда. Агар 2000-йилда кредит портфелининг 54 фоизи ташқи қарзлар ҳисобидан шакллантирилган бўлса, 2012-йилда унинг 85,3 фоизи ички манбалар — юридик ва жисмоний шахслар депозитлари ҳисобидан шакллантирилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимиз тармоқларига инвестиция киритиш ва шунинг ҳисобидан тараққиётимизни таъмин-лашда ички имкониятларимиз тобора ортиб бораётганининг далилидир.

Тижорат банкларининг инвестициявий фаоллиги ортмоқда. Тижорат банклари қўйилмаларининг 75 фоиздан ортиғини уч йилдан зиёд бўлган узок муддатли инвестиция кредитлари ташкил этмоқда. Умуман, сўнгги ўн йилда банкларимиз томонидан иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш 7 баробар ошганини алоҳида қайд этиш лозим, деб ўйлайман.

Бизнинг иқтисодий ночор корхоналарни банклар балансига ўтказиб, уларни соғломлаштириш борасида қўллаган ноанъанавий ёндашувимиз ўзини оқлади ва самарадорлигини кўрсатди, деб бугун тўла асос билан айтишимиз мумкин.

Ҳозирги пайтда банкларга берилган 164 та банкрот корхонадан 156 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланди, 110 та корхона янги инвесторларга сотилди. Бундай корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш ишларига тижорат банклари томонидан 275 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилди, натижада 22 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.”¹

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий субъектларининг ўрни ва аҳамияти муҳим саналиб, уларни янада ривожлантириш ва рағбатлантириш асосий масалалардан бири сифатида қолмоқда. Шундай экан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга ва рағбатлантиришда асосий омиллардан бири-уларнинг хўжалик, молия-кредит механизмларини соддалаштириш ва такомиллаштириш, уларда молиявий бошқарувни ташкил этиш ҳисобланади.

Ҳозирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилмоқда ва уларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида микромолиялаш хизматлари кенгайтирилмоқда. Шунга қарамай, ҳамон кичик бизнес ва

¹ 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси ВМ йиғилишидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни четга экспорт қилиш ва бу орқали миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи долзарблигича қолмоқда. Шу сабабли, ташқи иқтисодий фаолият олиб бораётган субъектларни тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби, ажратилаётган кредитларнинг амалий таҳлили ва улардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш зарурдир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғуланаётган субъектларни кредитлаш билан боғлиқ муаммолар бўйича ўзининг муҳим ҳиссаларини кўшган хорижлик олимлари қаторига В.Афанасьев, В.А.Рубе, Л.С.Бляхман, Ю.Кочеврин, В.Рамзес, Л.И.Разумнова, А.Шулус, В.С.Пучков, С.Абляев, Ф.Хайек, Р.С.Беков, З.И.Благова, А.А.Ирбашева ва бошқаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ушбу муаммолар бўйича Ўзбекистон Республикасида Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғуланаётган корхоналарининг молия-кредит масалаларини ўрганишда Республиканинг бир қатор иқтисодчи олимлари Ё.А.Абдуллаев, Ш.З.Абдуллаева, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, Х.Р.Собиров, М.Ш.Шарифхўжаев, А.Ў.Ўлмасов, А.Қ.Қодиров, С.С.Ғуломов, Д.Ғ.Ғозибековларни кўрсатиш мумкин. Иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, кичик корхоналар ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаш масалалари амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ва ушбу соҳадаги иқтисодий адабиётларда ҳамда олимларнинг илмий асарларида тўлиқ ўз ифодасини топмаган. Демак, бу соҳада жиддий, илмий изланишлар олиб бориш кераклигини тақозо этади.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади ташқи иқтисодий фаолият билан шуғуланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу асосий мақсадга мувофиқ қуйидаги вазифаларни бажариш режалаштирилган:

- кичик корхона ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг зарурлиги ва унинг аҳамиятини кўрсатиш;
- хорижий мамлакатларда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш тажрибаси ўрганиш;
- Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳолати таҳлил этиш;
- ТИФ «Миллий банк»да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиёти таҳлил қилиш ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Битирув малакавий ишнинг ўрганиш объекти ТИФ «Миллий банк» фаолияти ҳисобланади. Битирув малакавий иши предмети эса ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлардир.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари. Илмий изланишнинг назарий методик асосларини хорижий ва иқтисодчи олимларнинг ташқи иқтисодий фаолият тадбиркорлиги соҳасига доир асарлари ташкил этади.

БМИ предметини тадқиқ қилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида илгари сурилган иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича назарий қарашлар, иқтисод фани асосчилари ва намоёндаларининг асарлари, мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ва мутахассисларининг ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари молия-кредит муносабатларини такомиллаштириш юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалари олинди.

Тадқиқотлар давомида иқтисодий жараёнларни англашнинг мантиқий ҳулосалаш, таҳлил ва синтез қилиш, кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилиш статистик маълумотларни таққослаш каби усул ва услублардан

фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари кредитлаш манбалари аниқланди;

- ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари бериладиган кредитлар таъминоти таҳлил қилиниб, улар билан боғлиқ муаммолар аниқланди;

- ТИФ «Миллий банк»да ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиёти таҳлил қилинди ва таклифлар берилган.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, баён қилинган фикр-мулоҳазалар, хулоса ва таклифлардан ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари амалиётда манба сифатида фойдаланиши мумкин.

Битирув малакавий ишинин таркиби ва тузилиши. Мазкур битирув малакавий иши кириш, иккита боб, олти параграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. Банк тизимини шаклланиш босқичлари ва ривожланишининг ташкилий иқтисодий асослари

1.1. Банк тизимининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётда тутган ўрни

Ўзбекистон Республикаси банк тизими - иқтисодиётнинг энг жадал ривожланаётган секторларидан бири бўлиб, унда бозор муносабатлари талаблари асосида ўз фаолиятини йўлга қўйиш жараёнлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан тезкор ва изчиллик билан амалга оширилди. Бунинг натижасида республика иқтисодиёти учун йўналтирилган инвестиция ва кредит фаолиятини замон талаблари асосида йўлга қўйиш, ҳисоб-китобларни ташкил этишни такомиллаштириш ва миллий валютани мустаҳкамлаш, молия ресурсларининг сафарбар этилиши ва уларнинг иқтисодиётни таркибий ўзгаришларидаги устувор йўналишларида жамланишини таъминлашга қодир бўлган бутун банк тизимининг шаклланиши ва ривожланишини таъмин эта оладиган муҳит яратилди.

Ўзбекистон банк тизимини изчил ривожлантириш республика иқтисодиётини эркинлаштириш жараёнидаги энг муҳим масалалардан бири бўлиб, унинг ривожланиши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ислохотлар йўлида муваффақиятли одимлаши учун банк - кредит тизимини мустаҳкамлаш, уни ислоҳ қилишни таркибий жиҳатдан ҳам, институционал жиҳатдан ҳам давом эттириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаши, республика иқтисодиётида банк тизимини тутган ўрни ва аҳамияти қанчалик муҳим эканлигидан яна бир бор далолат беради.

Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда республикада банк тизими шаклланиши ва ривожланиши тарихига доир масалаларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ёритиб беришда, унинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратиш ва айрим аниқликларни киритиш лозим.

Ҳозирги жамиятга хос бўлган банк тизими узоқ тарихий давр оралиғида бўлган бир неча босқичларда миллий ва жаҳон бозорларига хос бўлган саррофлик, яъни, пул алмаштириш идорасидан банк муассасаларигача, банклардан молиявий институтларгача, фақатгина банк муассасалари вазифасини бажарувчи банк тизимидан бошқа молиявий хизматларни кўрсатувчи банк ва молия институтларигача бўлган молия тизимини ўзида шакллантирди ва улар томон ривожланиш йўлини босиб ўтди.

Айниқса, бу жараён капиталистик банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида ўзини яққол намоён этди. Капиталистик банкнинг юзага келишига сабабчи бўлган пул-савдо капитали моҳияти бўйича ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўрта асрлардаёқ савдо капиталистларидан махсус гуруҳлар, яъни алмаштирувчилар гуруҳи ажралиб чиқа бошлади. Улар маҳаллий ва хориж тангаларини алмаштириш билан шуғулланувчи, яъни пул билан савдо қилувчилар эди.

Капитализмнинг юзага келиши ва ривожланиши билан пул алмаштирувчилар банкирларга айланиб боришди. Пул алмаштирувчилар кўлида савдо-сотик билан шуғулланувчиларнинг пул капитали омонат тариқасида эркин равишда тўпланадиган бўлди. Шу билан бир вақтда улар савдогарларнинг пул билан боғлиқ ишларини бажара бошладилар ва шу орқали пул маблағларини бир жойдан иккинчи жойга кўчиришдек ишдан озод қилдилар.

Айирбошловчилар ўз қўлларида йирик пул капиталларини таъминлашга эришгандан сўнг, у пулларни кейинчалик қарзга бера бошладилар. Шундай қилиб, вақт ўтиши билан айирбошлаш иши ривожланиб банк ишига айланди.

Банк-молия тизимининг асосий бўғини ҳисобланиб, кредит ва молия операцияларининг асосий қисмини ўзида гавдалантиради ва у кредит муассасаларининг энг қадимий ва кенг тарқалган гуруҳларидан бири

ҳисобланади. Лекин илмий адабиётларда банклар шаклланиши ва ривожланишининг кўплаб тарихий-иқтисодий масалалари бўйича фикрларнинг тарқоқлиги мавжуд. Масалан, айрим тадқиқотчилар фикрича, тўловлар чоғида воситачилар сифатида банкларга нисбатан эҳтиёжлар пайдо бўлган, аммо банк иши жуда қадимий даврда юзага келган экан¹.

Шу нуқтаи назардан, бозор иқтисодиётининг алоҳида институти сифатида банкнинг ташкил этилиши товар хўжалиги ривожланиши жараёнида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган товар-пул муносабатларининг юзага келиши билан боғлиқ. Бу даврда йирик саноат ва бошқа корхоналар фаолиятида товар-пул капиталининг ҳаракати кўлида пул маблағлари тўпланган шахсларга боғлиқ бўлиб, банк ишини йўлга қўйиш шарт-шароитлари юзага келди.

Ҳақиқатан ҳам, юқорида баён этилганидек, банк муассасаларининг дастлабки намуналари «саррофлик иши», яъни пулларни алмаштириш натижасида юзага кела бошлади. Чунки турли шаҳарлар ва мамлакатлар пулларини алмаштиришда жуда катта қийинчиликлар юзага келган эди. Бунинг асосий сабаби, шу даврларда муомалада бўлган тангаларнинг ягона шакли мавжуд бўлмасдан, улар турли шакл ва қийматга эга бўлган ҳолатда учраб турарди.

Тарихдан маълумки, «банк» сўзи италянча «banko» - стол сўзидан келиб чиққан бўлиб, пуллик стол маъносини беради. Бунинг сабаби, ўрта асрларда италиялик пулдорлар ҳамёнларидаги, идишлардаги тангаларни стол, аниқроғи «пуллик стол» устига қўйиб ҳисоб-китоб қилганлигида бўлиб, банк тушунчасини тўғри англаш имконини беради.

Дастлаб банклар асосан саррофлик идораси бўлган, лекин улар бошқа пул операцияларини ҳам амалга оширган. Аста-секин турли ссудаларни бериш ва пул маблағларини жалб этиш ҳисобидан саррофлик иши кенгайиб, кредитлар берувчи,

¹ Лаврушин О.И. и др. Банковское дело. - М.: КНОРУС, 2005, с. 14-15.

омонатларни қабул қилувчи ва ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширувчи банклар пайдо бўла бошлади.

В. Чжен қайд этишича: «Банк ишининг дастлабки белгилари қулдорлик жамиятида пайдо бўлган. Улар асосан, савдогарларнинг пул билан боғлиқ; ҳисоб-китоб ишларини бажарган жиробанклар (мижозлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни нақд пулсиз олиб борадиган банклар) шаклида вужудга келди.

Шу билан бир қаторда, махсус саррофхоналарда саррофлар пул алмаштириш ва йирик пулларни майдасига алмаштириб бериш ишлари билан шуғулланган»¹. Улар савдо-сотик бўлиб ўтадиган жойдаги кичик дўкон (саррофхона)ларда ўтириб, шаҳарга келган сайёҳларнинг ҳожатини чиқариш учун чет эл тангаларини маҳаллий пулларга алмаштириб берган ёки муайян хизмат ҳақи эвазига савдогарларнинг маблағ айлантириш имконига эга бўлиши учун тижорат векселларини ҳисоблаб, унинг умумий қийматидан фоиз ундириб олинган.

Бунинг натижасида муомалада бўлмаган пул маблағлари пулдорлар қўлида тўпланган ва улар бўш турган маблағларидан фойда олиш мақсадида вақтинча фойдаланиш шарти билан маблағ зарур бўлган субъектларга ссудалар² тариқасида берганлар. Айнан мана шу ҳолатнинг юзага келиши пул алмаштирувчи пулдорларнинг банкирларга айланишига сабабчи бўлган.

Дастлабки банкирларнинг фаолият юритиши учун ўз маблағлари етарли бўлган, лекин кўп вақт ўтмай депозитларни жалб этиш ҳамда бой мижозлар томонидан бериладиган муддатли қарзларни кафолатлаш³ ғояси пайдо бўлиши билан, шу маблағлар банк сармояси (капитали)⁴нинг муҳим

² Банк ссудаси - банкнинг фоиз тўлови шарти билан кредитга берилган пул маблағи. Қисқа, ўрта ва узоқ муддатли турларга бўлинади. Банклар ссудасининг тўлов ссудаси, векселлар ҳисоби, товар ҳужжатлари ва қимматли қоғозлар эвазига бериладиган инвестиция мақсадларидаги турлари бор.

³ Банк кафолати - кафил банклар (гарант банклар)нинг мижозлари мажбуриятларини ўз зиммасига олиши. Мижозлар қарзларини ўз ҳисобидан ва ўз муддатида тўлай олмаган ҳолларда банклар уларнинг топшириғига қўра ва уларнинг ҳисобидан мажбуриятларни зиммасига олади. Қарз тегишли таъминот (гаров) асосида банк томонидан тўланади. Кафил банкларнинг кредитор ёки импортёрнинг контракт бўйича тўлов мажбуриятлари ижросини пул шаклида таъминлаш (аванси қайтариш, савдо келишуви, ёки контракт шартларини бажариш ва бошқалар) кенг тарқалган тўлов кафолатларига киради.

⁴ Банк капитали - банкларнинг муомалага туширган пул капиталлари мажмуи (ўзиники бўлган ва жалб этилган воситалар). Банк ишига қўйилган банк капитал банк фойдасини яратади. Аксарият ривожланган мамлакатларда банклар капитали саноат капитали билан бирлашиб кетиши натижасида молия капитали пайдо бўлган.

манбаига айланиб, фоиз ҳисобига қарз бериш имконияти кенгайиб борган. Бу қарзлар асосан савдогарлар ва заминдорларга йилига 6 фоиздан, устама, баъзи ҳолларда, яъни таваккалчилик шароитига амал қилиб ойига 48 фоизгача устама олишни кўзда тутиб берилган.

Демак, дастлабки банкирлар ҳаракатсиз турувчи катта миқдордаги пул бойликларини тўплаш самарасиз эканлиги, улардан самарали фойдаланиш мақсадида пул маблағларини бошқаларга фоиз эвазига бериш ёки мустақил савдо ва ҳунармандчилик корхоналарини очиш ва шулар орқали катта фойда олиш мумкинлигини англаб етдилар. Бунда гаров воситаси сифатида кемалар ва товарлар, уйлар, қимматбаҳо бойликлар ва ҳатто инсонлар ҳам иштирок этди.

Бунинг натижасида банклар кредит операциялари билан бирга ундан фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўйича ҳисоб-китоблар ҳам ривожлана борди. Ҳисоб-китоблар трансферт ёрдамида, яъни пул маблағларини бир жадвал (ҳисобварақ)дан бошқасига кўчириш орқали амалга оширилди. Банкда ҳар бир мижоз ўз номи кўрсатилган жадвалига эга бўлиб, улар бўш турган пулларини банкка сақлаш учун топширган тақдирда улар томонидан тўловларни шахсан амалга ошириш шарт бўлмасдан, барча тўловлар фойдаланувчининг номи кўрсатилган ҳисобварақ орқали банкир томонидан амалга ошириларди. Пул маблағлари бир мижознинг жадвалидан бошқа мижознинг жадвалига нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг энг содда шаклларида фойдаланган ҳолда ўтказиларди. Бу эса банк ишида мижозлар учун яратилаётган қулайликлардан бири эди.

Шунинг учун ҳам банклар яратаётган қулайликлар ишбилармонларнинг диққатини ўзига тортмай қолмади ва бу жараён аста-секинлик билан янада ривожланиб, банк мижозлари доираси кенгайишига сабаб бўлиб борди. Бунинг натижасида банклар мижозлар ўртасида шартномалар тузиш бўйича энг ишончли шахслар бажарадиган ишларни

амалга ошириб, савдо битимларида воситачилар сифатида шакллана бошлади.

Шунингдек, ҳисоб-китобларни енгиллаштириш мақсадида банклар пуллар билан тенг муомалада бўладиган банк чипталарини ҳам чиқаришга муваффақ бўлдилар. Бу хусусда А. Бикман: «қадимий банкирлар вексел операциялари билан шуғулланмаган бўлсаларда, лекин банкирга тўлов учун мурожаат этилган кредит хатлари мавжуд эди»⁵ деб қайд қилиши қимматли қоғозлар мавжудлигидан далолат беради.

Умуман, банк муассасалари фаолияти ривожланишини Е. Стародубцеванинг қайд қилиши бўйича тўрт асосий босқичга ажратиш мумкин:

1.1.-жадвал. Банк фаолияти ривожланишининг асосий босқичлари⁶

<i>Биринчи босқич</i>	Италияда Венеция банки пайдо бўлишигача бўлган давр (1156 й.)
<i>Иккинчи босқич</i>	1156 йилдан (Италияда дастлабки жамоат банкининг ташкил этилиши) 1694 йилгача (Англия банкининг таъсис этилиши) бўлган давр
<i>Учинчи босқич</i>	1694 йилдан XVIII аср охиригача бўлган давр
<i>Тўртинчи босқич</i>	XIX аср бошидан бошлаб ҳозирги вақтгача бўлган даврларни қамраб олади

Масалага бундай ёндашув замонавий банк тизими шаклланишидаги узоқ тарихий жараённинг реал кечишини акс эттиради. Чунки банк фаолияти ривожланиши ушбу тарихий босқичларнинг ҳар бирида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ҳар бир даврда унинг ривожланиши у ёки бу жараёнлар билан бевосита боғлиқ бўлиб келган.

⁵ Бикман А.Б. История банков. -Петроград, 1917. -С.7-8.

⁶ Стародубцева Е.Б. Основы банковского дела: Учебник. -М.: ФОРУМ, ИНФРА-М. 2006. С.4.

Биринчи ва иккинчи босқичлар замонавий банк муассасалари вужудга келиши тарихидан аввалги давр ҳисобланиб, банк муассасаларининг энг содда, оддий кўринишидаги турларидан эди.

Айниқса, биринчи босқичда банклар ушбу сўзнинг ҳозирги замон маъносини ўзида ифодалай олмасда, маълум бир даражада мамлакатлар иқтисодиётида диққатга сазовор бўлган. Масалан, эрамиздан 2300 йил аввал хунгарларда ссудалар бериш ва пул ўтказиш операциялари билан шуғулланувчи савдо ширкатлари мавжуд бўлган. Хитойда эрамиздан 2000 йил аввал ҳатто чек муомаласи ҳам амал қилган. Лекин жаҳон тарихида, эрамиздан аввалги VI асрда, пул ва пул хўжалиги пайдо бўлиши билан бирга фоизли пул омонатларини қабул қилувчи, ёзма мажбуриятлар орқали ҳамда турли қимматга эга бўлган нарсалар гарови остида ссудалар берувчи банкчилар мавжуд бўлган. Бундай банклар дастлабки банк муассасалари сифатида фақат истеъмол манфаатларига хизмат кўрсатиб қолмасдан, балки кредит битимларини ҳам тузишга эришган.

Тарихчиларнинг маълумотларига кўра, бу давр банклари ер участкаларини олди-сотди жараёнларида қатнашган ва ҳатто қатор бошқа операцияларни ҳам бажарганлар.

Банк фаолияти ривожланиши қадимий Грецияда ҳам кузатилган бўлиб, у ерда банк иши билан жрецлар шуғулланган. Храмлар, одатда, уларнинг ер мулкидан катта даромад, пул жарималари, совғалар ва ҳоказолар олишган. Жрецларнинг вазифаси мулкка омилкорлик билан эгалик қилиш, ссудалар бериш ва фойдали корхоналарда иштирок этиш йўли билан храмлар даромадларини оширишдан иборат эди. Пул судхўр кредитларини бериш учун фойдаланилди ва у катта фоиз ҳисобидан даромад келтирарди. Храмлар пул операцияларини бажаришни алоҳида шахсларга ишониб топширди ва юклади. Ишни бундай ташкил қилиниши натижасида ва операцияларнинг

мураккаблашиб бориши шароитида молиявий воситачиларга айланган шахсларнинг мавқеи ҳам мустаҳкамланиб борди⁷.

Банк ишини юритиш бўйича Италия тажрибаси фақат ўз банкларини ташкил этишнинг рағбатлантирувчи омили бўлган десак муболаға бўлмайди. Банк иши мутахассислари пайдо бўлишининг манбаи сифатида хизмат қилган тадбиркорлик қатлами аста-секин кенгайиб борди. Савдогарлар савдо ишини нафақат ўз пул маблағлари, балки уларга ишониб топширилган ўзгалар маблағлари ҳисобидан ҳам кенгайтиришди, ссудалар олишди ёки ўзлари ссудаларни беришди⁸.

Европада банк муассасалари фаолияти шаклланиши ва ривожланиши XVII асрнинг охирига тўғри келиб, бу Англиядаги банкларнинг юзага келиши билан изоҳланади. 1694 йилда У. Петерсон томонидан ташкил этилган ва ҳукуматнинг молиявий муаммоларини ҳал этиш учун 1,2 млн. фунт стерлинг миқдоридаги устав сармоясига эга бўлган Англия банкининг роли муҳим аҳамиятга эга бўлиб, турли шаклдаги пул ҳаракатларини амалга оширишдек ишларни бажаришга йўналтирди. Айнан шу даврдан бошлаб Англияда ҳам бошқа банкларга бўлган эҳтиёж ортиб, улар сони кўпайиб борди ва банк иши билан боғлиқ турли жараёнларда фаол қатнаша бошлайди.

Айниқса, банклар маълум бир суммага банк чипталарини чиқариб, ушбу чипталар билан ҳисоб-китоб қилиши мумкин бўлган қоидалар қабул қилиниши, шунингдек, олтин билан савдо қилиш, вексел учун фоизлар тўлаш ҳуқуқига эга бўлиши, улар фаолиятидаги ютуқлардан ҳисобланарди. Шу даврга келиб гаров ҳуқуқи ҳам пайдо бўлди. Бунинг маъноси шунда эдики, банкдан олинган пуллар маълум вақт мобайнида банкка қайтарилмаса, у ҳолда қарз олган шахснинг гаровга қўйган мол-мулкани олиб қўйиш шартига амал қилинарди.

⁷ Долан Э.Дж., Кэмпбелл К.Д., Кэмпбелл Р.Дж. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. /Пер. с англ. / Под общ. ред. Лукашевича В.В., Яркева М.Б. -СПб.: СПб. Оркестр: Литера плюс, 1994. -С.207.

⁸ Долан Э.Дж., Кэмпбелл К.Д., Кэмпбелл Р.Дж. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. /Пер. сангл. /Под общ.ред. Лукашевича В.В., Яркева М.Б. -СПб.: СПб. Оркестр: Литера плюс, 1994. С.312.

Шу билан бир вақтда, банкларга ўз сармоясини тўлдириш ва улар бўйича фоизлар тўлаш учун омонатларни қабул қилишга рухсат берилган эди. Шунга мувофиқ, омонатларнинг ҳам, банклар фаолиятининг ҳам хусусияти ўзгарди - улар депозит банкларига айланди. Депозит операцияси («депозит» сўзи инглиз тилидан олинган - «омонат» маъносини билдиради) кенг тарқалди ва унинг учта асосий тури шакллана борди ва ривожланди: талаб қилиб олинадиган, муддатли ва жамғарма.

Ушбу даврда ихтисослашган банкларнинг ҳам юзага келиш жараёни бошланди. Жумладан, Шотландия Қироллик банки (1695 й.), бўз билан савдо қилувчи Британия компанияси банки (1706 й.), Вена банки (1703 й.), Денгиз соҳаси учун Пруссия банки (1767 й.), Париж ҳисоб кассаси (1776 й.), Петербург банки (1780 й.) ва бошқа ихтисослашган банкларнинг шаклланиш жараёнлари тезлашди. Бунинг натижасида мазкур банкларда ҳисоб-китобларнинг янги усулларида фойдаланиш юзага келиб, улар нафақат ҳисобварақдан ҳисобвараққа ўтказиш ёки ўтказмалар йўли билан, балки чек муомаласини кенг жорий қилишни йўлга қўйдилар⁹.

XVIII асрдан бошлаб Европада капиталистик саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида бошқа мамлакатларда ҳам банклар фаолиятини ташкил қилишга эътибор берилди.

Капитализмнинг ривожланиши билан кредит ва тўловларда воситачилик вазифасини бажарадиган муассасаларга талаб ортиб борди. Банклар бўш пул воситаларини йиғиб, уларни турли муддатларга ссудага берди, улар корхоналарнинг жорий ҳисобварағини юритиб, корхоналар ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни олиб борди, бу эса банк амалиётини ташкил этди. Аста-секин банклар ўртасида энг йириклари пайдо бўлди. Айниқса, XIX аср охирига келиб капиталистик ишлаб чиқариш йириклашиши оқибатида банкларнинг йириклашуви содир бўлди ва банкларнинг сони қисқариши рўй бериб, банк монополиялари вужудга кела

⁹ Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда ҳисоб-китобларнинг 80 фоизгачаси чеклар билан амалга оширилади.

бошлади ва улар ўртасида ўзаро рақобат кураши юзага келди ва у йилдан-йилга кучайиб борди. Банклар тўлов ва кредит амалиётларида воситачилик қилиш билан кифояланмай, саноат корхоналари акцияларини сотиб ола бошлади, уларнинг хўжаликлари ёки муассисларидан бирига айланди, яъни ялпи ишлаб чиқариш корхоналарини таъсис этиш ишларида ҳамкорлик қилишда қатнашди. Банклар капитали билан саноат капиталининг қўшилиб кетиши натижасида молия капитали ва молия олигархияси вужудга келиб, мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди.

XIX аср бошидан банк фаолияти ривожланишининг энг муҳими жиҳатларидан бири шунда эдики, бу даврга келиб эмиссия банкларини ташкил топиши бўлди ва уларнинг асосий функцияси банкнотлар чиқариш ва уларни муомалага киритишдан иборат эди. Кейинчалик банкнотлар эмиссияси функцияси монопол тарзда бажарувчи марказий банклар зиммасига юкланди ва улар иқтисоди ривожланган мамлакатларда кенг тарқалди.

Бундан ташқари, ихтисослашган банклар ҳам фаол ривожланди, шунингдек, кредит берувчи ссуда кассалари, аҳоли омонатларини қабул қилувчи, лекин кредит бериш билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлмаган жамғарма кассалари ҳам пайдо бўлди.

Ҳозирги даврда кўпгина мамлакатларда кўплаб (масалан: XX асрнинг 90-йилларида АҚШда 14,5 мингдан ортиқ банк бўлган)¹⁰ банклар бўлишига қарамай, улардан 3-4 таси етакчи ўринда туради. Турли мамлакатлардаги йирик банклар ниҳоятда сертармоқ бўлиб, ўз мамлакати доирасидагина эмас, шу билан бирга жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида бўлим ва филиалларига эга.

Ташкилий нуқтаи назардан банк тизими бир поғонали (бир бўғинли) ҳамда икки поғонали (икки бўғинли) бўлиши мумкин. Бир поғонали банк

¹⁰ Ўзбек миллий энциклопедияси. -Т.: Давлат илмий нашриёти, 2000, 1-том. 619-бет.

тизими банклар ўртасида горизонтал алоқаларнинг устунлик қилишини, улар операциялари ва функцияларининг универсаллашувини назарда тутди. Бир поғонали банк тизими доирасида барча банк муассасалари, шу жумладан, Марказий банк ҳам мижозларга кредит-ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш бўйича ўхшаш функцияларни бажарган ҳолда бир даражадаги поғонада бўлади. Бундай тизим иқтисоди заиф ривожланган мамлакатларда ёки маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда учрайди.

Бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти учун банк тизимини икки поғонали тизим асосида, яъни юқори ва қуйи поғоналарга таянган ҳолда ривожлантириш ўзининг самарасини бермоқда. Юқори поғонада мамлакатда пул муомаласининг ташкилотчиси ва назоратчиси сифатида иштирок этувчи марказий банк турса, қуйи, иккинчи поғонада, Марказий банк назорати остида бўлган мустақил тижорат ва ихтисослашган банклар туради. Банк тизимининг бундай поғоналарга бўлиниши маълум бир мезонлар мавжудлигини тақозо этади. Хусусан, банк тизимида поғоналарга ажратишнинг асосий мезони бу давлат ёки ҳокимият ваколатлари элементларидан қандай даражада фойдалана билиш даражаси билан белгиланади ва бу ерда банк тизимининг юқори поғонаси жиҳатидан ҳам марказий банк, қуйи поғонани эса тижорат банклари хорижий банкларнинг филиаллари ва ваколатхоналари ташкил этади. Бироқ икки поғонали банк тизими тушунчасига нисбатан бошқача ёндашув ҳам мавжуд. АҚШда, масалан, банк тизимининг икки поғоналилиги деганда, банкларни рўйхатга олиш ва тартибга солишнинг икки поғонали тизими тушунилади: федерал даражада (миллий банклар) ва штатлар даражасида (штатлар банклари)¹¹ ги банклар.

Агар банк тизимининг икки поғоналилиги шаклланишига тарихан назар ташлайдиган бўлсак, у ҳолда бу ерда, албатта, 1694 йилда пайдо бўлган Англия банкини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

¹¹ Синки Дж. мл. Управление финансами в коммерческих банках. -М., 1994.

Ушбу банкнинг чипталари барча тўловлар бўйича қабул қилиниши шарт бўлган ҳолда 1797 йилдан бошлаб муомалага чиқариладиган банкнотларнинг миқдори қатъий чеклаб қўйила бошланди. Бу билан пулнинг қадрсизланиши жараёнлари олдини олишга эришиш мақсад қилиб қўйилган эди. 1833 йилдан бошлаб, Англия банки пул эмиссияси учун монополия ҳуқуқини қўлга киритди ва Буюк Британияда пулнинг монетар сиёсати кенг қўлланила бошланди.

Тарихдан маълумки, марказий банклар пайдо бўлишида асосан икки йўл мавжуд бўлиб, унинг биринчиси эволюцион йўл, яъни марказий банк ўзининг шаклланиши жараёнида тижорат банкидан ажралиб, сўнгра марказий банкка айланган. Бунга акциядорлик - тижорат банки сифатида ташкил этилган ва кейинчалик марказий банкка айлантирилган Англия банкини мисол қилиб келтириш мумкин. Иккинчиси тўғридан-тўғри марказий банк сифатида ташкил этилган йўлдир. Бу асосан 1850 йил Бельгияда, 1815 йил Германияда, 1860 йил Россияда, 1882 йил Японияда, 1913 йил АҚШда содир бўлиб, Марказий банкларнинг асосий вазифаси мамлакатнинг эмиссия марказига айланишидан ва пул назоратини йўлга қўйишдан иборат эди.

Дастлабки жараёнларда мазкур банкларнинг асосий қисми хусусий банклар ҳиссасига тўғри келар эди. Капиталистик мамлакатларда XX асрнинг 30-йилларига келиб, иқтисодий инқирознинг юзага келиши туфайли мамлакат иқтисодиётини тартибга солиш муаммоси пайдо бўлди ва бунда марказий банклардан фойдаланиш зарурати сезилди. Бунинг учун, биринчи навбатда банкларни миллийлаштириш лозим бўлди ва шу йўл билан марказий банкларни давлат тасарруфига ўтиш жараёни амалга оширилди. Хусусан, 1936 йилда Канада банки, 1942 йилда Япония банки, 1946 йилда Англия ва Франция банклари давлат банкларига айлантирилди.

Банклар функциясининг ривожланиши муносабати билан уларнинг иқтисодий моҳиятига нисбатан илмий таърифлар ҳам пайдо бўла бошлади.

Шундай таърифлардан бири Россиянинг XIX асрга мансуб энциклопедия нашрларида берилган бўлиб, банклар «ўсиш учун сармоялар қабул қилувчи ёки уларни ссудага берувчи давлат, жамоат ёки хусусий муассаса» сифатида қайд қилинади, шу манбада «кредит муассасаси» атамаси «ҳукумат томонидан пулларни фоизлар билан кўпайтириш учун уларни қабул қилиш ёки уларни турли хилдаги гаровлар остида ссудага бериш учун таъсис этилган жой» сифатида талқин этилган¹².

XIX аср охирига келиб Россиянинг бир қатор энциклопедия нашрларида банклар қуйидагича таърифланди: «кредит воситачилигининг олий шакли ҳамда вексель ва пул муомаласининг муҳим органи»¹³; «пул ва кредит операциялари учун муассасалар»¹⁴; «кредит муассасалари ҳамда вексель ва пул муомаласининг тартибга солувчилар» дан иборат экан.

Ҳозирги вақтда банк фаолиятининг турли шакллари ва жиҳатларини таҳлил қилиш натижасида банк тушунчасига олимлар томонидан етарли даражада тўлиқ таъриф беришга ҳаракат қилинган. Хусусан, Д.Полфреман ва Ф.Фордларнинг таърифи бўйича «Банк - бу пул маблағларини (омонатларни) тўпловчи, кредитлар (қарзлар, ссудалар) берувчи, пул ҳисоб-китобларини амалга оширувчи, пуллар ва қимматли қоғозларни чиқарувчи (эмиссия юлувчи), давлатлар, корхоналар, муассасалар ва алоҳида шахслар ўртасидаги ўзаро тўловлар ва ҳисоб-китобларда воситачилик қилувчи алоҳида иқтисодий институтдир»¹⁵.

Ҳақиқатан ҳам бу таъриф банк муассасасининг бажарадиган барча асосий функцияларини қамраб олади. Шунинг учун ҳам, унга амал қилиш шу куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари қарор топиши ва ривожланиши жараёнида шаклланган ва ривожланаётган мазкур банк муассасалари

¹² Объяснительный словарь иностранных слов, употребляемых в русском языке. - СПб.: Изд-во В.Н.Углова) X59.-С.23,106.

¹³ Энциклопедический словарь. /Под ред. И.Е. Андреевского. СПб.: Изд. Брокгауз-Ефрон, 1891. -С.885.

¹⁴ Русский энциклопедический словарь /под ред. Н.И. Березина. СПб. - 1898. -С.297.

¹⁵ Полфреман Д., Форд Ф. Основы банковского дела. -М.: Инфра, 1996. -С.289.

молиявий-иқтисодий фаолиятнинг барча жабҳаларини қамраб олади ва унинг ўзига хос томонларини акс эттиради.

Шунинг учун ҳам, банкларнинг ривожланиш тарихига эътиборнинг каратилиши, анча кенг доирадаги масалалар билан шуғулланувчи ва замонавий бозор иқтисодиётида жиддий ролга эга бўлган йирик молия-кредит муассасаси фаолиятининг иқтисодиёт тармоқлари ривожини таъминлашдек муҳим вазифага йўналтирилганлиги билан белгиланади.

Банк тизими, бозор иқтисодиётининг ҳар қандай тармоғи сингари бўғинларнинг ташкил этилиши, унинг элементларини ташкил этувчи қисмлар таркибининг кетма-кетлигига амал қилиши, марказий бошқарув бўғини ва қуйи (функционал) органларнинг ажратилишига муҳтож. Улар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида бошқарувчи орган кредит муассасаларининг амал қилишини назорат қилиши, улар ҳаракатини таҳлил қилиши ва мавжуд таъсир этиш воситалари орқали уни кредит тизими ёки бошқа хизмат кўрсатишнинг узлуксизлиги ва ишончлилигини, хўжалик айланмаси самарадорлигини таъминлаш учун керакли йўлда бошқариши, кредит операциялари ҳажмининг асоссиз кенгайиши ёки қисқаришига йўл қўймаслиги зарур.

Ўз навбатида, банк тизимини ҳосил қилувчи элементлар мазкур тизим доирасида турли мақсадлар, вазифалар, ваколатлар ва жавобгарликка эга каби турли хил мақомга эга. Лекин шу билан бирга, улар иқтисодий муносабатларнинг молия ва пул-кредит соҳасида фаолият кўрсатади ва ривожланади.

Юқорида таъкидланган ҳолатларнинг барчаси бозор иқтисодиёти тамойилларига амал қилиб ривожланаётган мамлакатларга тааллуқли бўлиб, у ерда банк тизимининг ривожланиши бозор механизмларидан тўлиқ фойдаланиш асосида ташкил қилинган эди.

Шу билан бир вақтда банк тизимидан фақат қисман фойдаланишни назарда тутувчи режали иқтисодиёт шароитида муҳит ҳукмрон эди. Масалан,

совет Иттифоқи даврида нашр этилган дастлабки энциклопедияларнинг бирида банклар «ўзининг асосий вазифаси кредитлашда уюшган воситачилик, яъни бўш турган сармояларга эга бўлган ҳамда ушбу сармояга муҳтож бўлган шахслар гуруҳида воситачиликдан иборат бўлган (хўжалик корхонаси хусусиятига эга бўлган) муассаса» сифатида таърифланган¹⁶.

Иқтисодиётни бошқаришнинг режали иқтисодиёт тамойиллари шароитида, бир томондан кредит ресурслари ва маблағларининг ҳаракати ўртасидаги, иккинчи томондан, товар айланмаси шаклидаги қиймат ҳаракати тўғрисидаги алоқа шу билан таъминланар эдики, давлатнинг ссуда фонди товарни айирбошлаш муносабатларини эмас, балки тақсимлаш муносабатларини акс эттирар эди ва у давлатнинг ягона тақсимлаш тамойиллари тизимига монанд бўлиб қўшиларди. Совет олимларининг қуйидаги нуқтаи назари ушбу ҳолатни яққол тасдиқлаб турибди — «банк тизимидан ишлаб чиқариш ва маҳсулотни тақсимлаш ҳисобини юритиш ва назорат қилишнинг умумдават аппарати сифатида фойдаланилади»¹⁷.

Кредит ресурслари ва кредит маблағларини мувозанатлаштириш фақат халқ хўжалиги даражасида амалга оширилди, банк амалиётида банк балансининг ишлатилишига амал қилиниши назорат қилинмас эди, корхоналарнинг, айниқса, колхозларнинг ссудалар бўйича карзлари бир неча марта ҳисобдан чиқариб ташланди. Бундай шароитда молиялаш ва кредитлаш ўртасидаги ва ўз навбатида молия ва кредит ресурслари ўртасидаги чегара амалда йўққа чиқди, боз устига ушбу ресурслар фақат Давлат банкининг ҳисоб варақларида сақланар эди.

Ўша даврга мансуб иқтисодий адабиётларда таъкидланганидек, «Давлат банкида халқ хўжалигининг барча ҳисоб-китоб ва касса хизматлари, давлат бюджетининг касса ижроси амалга ошириларди, бундан ташқари,

¹⁶ Финансовая энциклопедия. М.-Л. 1927. -С. 75.

¹⁷ Денежное обращение и кредит СССР. -М.: Госфиниздат, 1947. -С.63.

банкдаги ҳисобварақларда корхоналар ва ташкилотларнинг бўш турган маблағлари (мажбурий тартибда) сақланади»¹⁸.

Хусусан, СССР Давлат банки барча хўжалик юритувчи субъектларнинг бутунлай қамраб олинишига олиб келди. Натижада, хизмат кўрсатиладиган мижозларнинг сони, амалга ошириладиган операциялар ҳажми, банк тизимининг сертармоқчилиги бўйича СССР Давлат банк жаҳондаги энг йирик банкка айланди. Ўз функцияларини амалга ошириш жараёнида Давлат банки барча саноат корхоналари, колхозлар, мижозлар, транспорт, савдо, таъминот, коммунал ва бошқа корхоналар ҳамда ташкилотлар, шунингдек, аҳоли билан узвий боғланган эди.

Ўз навбатида, мамлакатда бир поғонали банк тизими юзага келди ва узоқ вақт мобайнида фаолият кўрсатди, бунда учта банк (СССР Давлат банки, Саноатқурилиш банки ва Ташқи савдо банки) бир поғонада турарди ва фақат мақсад ҳамда функциялари билан бир-биридан фарқ қиларди.

Энг муҳим омил шундан иборат эдики, режали иқтисодиёт шароитида кредит муносабатлари банк ишининг давлат монополиясига таққослана бошлади¹⁹. Банкларнинг ўзлари эса, давлат бошқаруви аппаратининг бир қисми ҳисобланарди, бу умуман, марказлашган иқтисодиёт тизимида мос келсада, лекин бозор муносабатлари талабларига жавоб бермас эди. Буларнинг барчаси иқтисодиётда бозор ислохотларини амалга ошириш жараёнида мустақил Ўзбекистоннинг замонавий банк тизимини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берди.

¹⁸ Денежно-кредитная система СССР. -М.: Финансы, - 1967. -С. 13.

¹⁹ Денежнообращение кредит СССР. -М.: Финансы. - 1979. -С.24.

1.2. Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизимининг ривожланиши

Ўзбекистонни мустақил давлат мақомида ривожланиши шароитида туб иқтисодий ислохотларнинг кўлами йилдан-йилга кенгайиб республикада янги миллий иқтисодиёт асослари яратилди ва ривожлантирилди. Тоталитаризм ва харажатли бошқариш ўрнига мамлакатда бозор муносабатлари тизими самарали фаолият кўрсатмоқда, кўп тармоқли хўжалик ривожланмоқда, иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилиши кучаймоқда, унинг инфратузилмалари таркибида катта ўзгаришлар содир бўлмоқда ва булар натижасида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнлари такомиллашиб бормоқда.

Ушбу муваффақиятлар давлатимизнинг фаол ислохотчилик роли билан белгиланган, у ислохотларнинг дастлабки босқичларида бош ислохотчи бўлиб, таркибий ўзгаришларга ва иқтисодиёт реал секторининг ривожланишига йўналтирилган устуворликларни изчил амалга оширди. Бунда асосий эътибор экспортга йўналтирилган ва базавий тармоқларда, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилди. Бу жараёнда банк-молия тизими алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у катта ҳажмдаги кредитларни иқтисодиётнинг асосий тармоқлари - нефтгаз, кимё, металлургия, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқаларни қўллаб-қувватлашга йўналтириш йўли билан мамлакат иқтисодиётини таркибий ўзгартиришда фаол иштирок этди.

Банк секторини бошқаришга нисбатан бундай ёндашув туфайли кўплаб экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босувчи хорижий сармоялар иштирокидаги қўшма ишлаб чиқаришларни барпо этишга эришилди. Республикамиз дон ва энергетика мустақиллигини таъминлашга эришди, бу мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг ҳақиқий мустақиллигининг асоси бўлди.

Бундан ташқари, республикаимиз учун янги бўлган тармоқларнинг асоси яратилди - Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Асакадаги "ЎзДЭУавто" заводи, Қизилқум фосфорит заводи ва бошқалар ишга туширилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнидаги янги босқич кечмоқда, унинг асосий мазмуни республикада иқтисодий ва сиёсий ҳаётни ҳар томонлама эркинлаштиришдан иборат²⁰. Эркинлаштиришнинг ушбу жараёнлари асрлар чегарасида, янги аср бўсағасида мамлакатимиздаги барча ўзгаришларнинг асосий негизи, боғловчи бўғини бўлди²¹.

Шу билан бирга Ўзбекистонда иқтисодий соҳанинг эркинлашуви бевосита давлатнинг тартибга солувчи ролининг изчил қисқартирилиши ва шунга мос равишда хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва ўз ишлаб чиқариш фаолиятининг натижалари учун жавобгарлигининг кенгайтирилиши билан боғланади.

Шу билан бир вақтда, миллий иқтисодиётни эркинлаштиришнинг юқорида кўрсатилган барча қисмлари бажарилишини таъминлашнинг асосий замини бўлиб, банк тизимининг фаол ва самарали фаолияти ҳисобланади ва у ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, биринчи навбатда, юқори самарали банк менежменти фаолиятини йўлга қўйиш билан белгилаб берилади.

Банк менежментига қўйиладиган талабларнинг хусусиятлари ҳақида тўхталиб, шуни таъкидлаш лозимки, ислохотлар муаммолари банк иши ривожланиши ҳозирги босқичида бир томондан, банк ишида менежментнинг халқаро тажрибасидан олинган маълумотларни тезда ўзлаштириш зарур бўлса, иккинчи томондан, банк ишининг ўзи туб ўзгаришларни бошдан кечириш жараёнидир. Республика тижорат банкларида янги менежментнинг

²⁰ Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда: Президент Ислом Каримовнинг биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиядаги маърузаси". 1999 йил 14 апрель. -Т.: Ўзбекистон, 1999.

²¹ Каримов И.А. «Бизнинг олий мақсадимиз - Ватан мустақиллиги ва равнақи, халқимиз эркинлиги ва фаровонлиги: Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси I сессиясида сўзлаган нутқи. //Халқ сўзи, 2000 йил 22 январь.

вужудга келиши омилларнинг иккита гуруҳи билан белгиланади. Биринчи гуруҳ банк тизимини ислоҳ қилишнинг умумий жараёни билан, иккинчи гуруҳ эса, банкларни ўзларининг ички саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ. Бунинг учун банк тизимида ислоҳотлар жараёнини изчил амалга ошириш лозим.

Чунки иқтисодий тараққиётни таъминлашда банк тизимининг роли кучаяётган бир шароитда, ушбу соҳанинг янада эркинлаштирилиши ва ислоҳ қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Банк соҳасида амалга ошириладиган ислоҳотларнинг асосий моҳияти ва мазмуни сифатида иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришига самарали таъсир кўрсатиш, инфляция даражасини янада пасайтириш, банк тизимида бўлган ишончни мустаҳкамлаш, банкларнинг инвестицион жараёнларни фаол иштирокчилари сифатида вужудга келишига кўмаклашиш, молия бозорида соғлом ва эркин рақобатни шакллантириш, изчил ва оқилона пул-кредит сиёсатини олиб бориш билан белгиланади²².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармонида, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилишнинг 2000-2003 йилларга мўлжалланган дастурида ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор махсус қарорларида асосий эътибор банклар томонидан акциядорлар ва аҳолининг бўш турган маблағларини қўшимча равишда жалб қилиш ҳисобига сармоя базасини мустаҳкамлаш ва иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш, уларни инвестиция жараёнларининг асосий бўғинига ва корхоналарнинг ҳақиқий шеригига айлантириш бўйича имкониятларини кенгайтиришга қаратилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, банк тизимини ислоҳ қилиш дастурининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлди:

²² Муллажанов Ф. Банковская система Узбекистана на рубеже тысячелетий. // Рынок, деньги и кредит.

- хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва акциялаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;
- хусусий банкларнинг ривожланишини янада рағбатлантириш ва ишлаб турган акциядорлик банкларининг устав сармояларига хусусий сармояни жалб қилиш;
- корпоратив бошқарув ва ички назорат тизимини такомиллаштириш;
- устав сармояларини ошириш ва бозор молиявий воситалари ёрдамида ресурсларни жалб этиш йўли билан банкларнинг молиявий базасини мустаҳкамлаш;
- активлар сифатини яхшилаш.

Бир вақтнинг ўзида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик ва иқтисодиётнинг бутун мавжуд секторини молиялаш тизими янада амалий ва самарали бўлиши лозим. Пировардида, айнан у бутун банк тизимининг кейинги фаолиятини белгилаб беради. Соғлом рақобат муҳитининг яратилиши самарали банк менежментининг вужудга келишига таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланади.

Молиявий янгиликлар агентлиги томонидан ўтказилган тадқиқотлар жараёнида тижорат банклари раҳбар ходимларининг эътибори айнан мана шунга қаратилди²³. Банкирларнинг аксарият кўпчилиги (92%) рақобатни банк фаолиятига таъсир кўрсатувчи асосий омил деб ҳисоблайди.

Шу нарса диққатга сазоворки, бунда банк ходимларининг анча кам қисми (фақат 60 фоизи) ўзини рақобат курашининг бевосита иштирокчиси сифатида ҳис қилди. Бу ҳол, айниқса, мижозлар сонини ошириш, янги банк хизматларини ишлаб чиқиш ва таклиф қилиш масалаларида банкларнинг тўлиқ мустақил эмаслигидан далолат беради. Етакчи мавқени эгаллаб турган банкларнинг деярли учдан икки қисми (ўз ходимлари тимсолида) рақобатга ҳал қилувчи аҳамият бермади.

²³ Банкиры о банках. Итоги годового исследования. // Рынок, деньги и кредит, 1/2001.

Шу билан бирга, банкирларнинг ярмидан кўпи носоғлом рақобатдан ҳимоялаш учун қўшимча ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш зарур деб ҳисоблайди.

Айни пайтда рақобат муҳитини шакллантириш банк хизматлари бозорининг алоҳида сегментлари бўйича бир маромда амалга оширилмади. Хусусан, сўнгги йилларда аҳоли маблағларини омонатларга жалб қилиш давомида олиб борилган ишлар ўз натижасини берди ва рақобат муҳити шаклланиши сезилди. Банк секторида рақобат муҳитини шакллантириш ишида тижорат банкларини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёни катта роль ўйнайди. Ушбу йўналишда банклар акцияларининг мамлакатимиз ва чет эл фонд бозорларида муваффақиятли сотилишини таъминловчи қулай шарт-шароитларни яратиш, хорижий сармоядорларни хусусийлаштириш жараёнига жалб этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бунда асосий эътибор банкларни хусусийлаштиришга тайёрлаш, улар активларининг сифати ва қийматини баҳолаш, мамлакатимиз ва хорижий сармоядорларнинг тахминий улушини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биринчи босқичда хусусийлаштиришга ЎзРТИФ Миллий банки ва “Асакабанк” тайёрланади. Кейинги босқичда “Ўзуйжойжамғармабанк”, “Ўзтадбиркорбанк” ва “Заминбанк” каби банкларнинг устав сармоясида давлат улушини қисқартириш ва уларни хусусийлаштириш чоралари кўрилади. “Пахтабанк” чет эллик сармоядорларга қайта эълон қилинадиган устав фондининг 40 фоизигача чегарасида янги чиқарилган акцияларни сотиш. Мазкур жараён банк менежментининг аҳволига бевосита кучли таъсир кўрсатади.

Шунинг учун банк секторини ислоҳ қилишнинг энг долзарб муаммолари ичида қуйидагилар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Булар, инвестиция лойиҳаларини молиялашни такомиллаштириш, акциядорларнинг бўш маблағларини жалб қилишни фаоллаштириш, банклар томонидан янги

турдаги хизматларни ўзлаштириш, банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини мустаҳкамлашдан иборат.

Корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишда акциядорларнинг тижорат банклари фаолиятини бошқаришдаги ролини ошириш, банклар ходимларини шартнома тизимига ўтказиш, жойлардаги маъмурий раҳбар ва бошқа бошқарув органларининг кредитларни берилиши ва қайтарилишини таъминлашдаги жавобгарлигини кучайтириш, банклар кенгаши фаоллигини ошириш йўли билан эришиш кўзда тутилган. Бироқ банк тизимини ислоҳ қилиш борасидаги мазкур чора-тадбирлар тижорат банкини бошқаришнинг ички мазмунини ўзгартиришга қодир эмас.

Шу сабабли, замонавий банк менежментини вужудга келтириш учун ушбу секторни ислоҳ қилиш бўйича умумий тадбирларни банкларнинг ўзидаги бошқарув амалиётидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш лозим. Бу шунда намоён бўладики, банкларнинг ёпиқ тизимлар тамойили бўйича фаолият кўрсатишдан очиқ тизимлар тамойили бўйича фаолият кўрсатишга ўтишини таъминлашдан иборат.

Ҳозирги вақтда банк менежментининг энг кенг тарқалган талқини бўлиб, бир томондан, банк ваколатидаги иқтисодий жараёнларни ташкил қилиш ва юритиш билан боғлиқ муаммолар, иккинчи томондан эса, банк жамоасини ташкил қилиш ва бошқаришга тааллуқли бўлган муаммоларнинг ажратилишини назарда тутувчи талқин ҳисобланади²⁴. Бу жараёнда банк менежментининг муҳим йўналишлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, стратегик режалаштириш, унинг ёрдамида истиқболли банк сиёсати ишлаб чиқилади. Бунда тижорат банкини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш бўйича тактик вазифалар ва муайян чора-тадбирларни аниқлаш режалаштиришнинг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади.

²⁴ Тимоти У. Кох. Управление банком: пер. с англ. В 5-ти книгах. - Уфа, 1993; Банковское дело. /Под ред. О.И.Лаврушина. - М., 1997.

Бундан ташқари, бутун банк сиёсати кредит, депозит, инвестиция, фоиз сиёсати сифатида мужассам бўлади, шунингдек у банк фаолият кўрсатишини ташкил қилишнинг асосий масалаларининг ҳал этилишини ҳам назарда тутади ва шу орқали банк менежментини мақсадли асослаш содир бўлади.

Иккинчидан, активларни бошқариш, унинг ёрдамида банкнинг кўзда тутилган вақтга мўлжалланган сиёсати бевосита амалга оширилади. Активларни бошқариш, биринчи галда, банк балансининг ишлатилиши сақланиб қолинган ҳолда, унинг самарали ишлашини таъминлашга йўналтирилган жараён тушунилади. Активларни бошқаришнинг амалий усуллари тегишли даврда банкнинг олдида турган вазифаларнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Учинчидан, пассивларни бошқариш, у менежментнинг банкда даромад келтирмайдиган маблағларнинг бўлишига йўл қўймайдиган (мажбурий захиралар бундан мустасно) йўналишини ўзида намоён қилади. Бир вақтнинг ўзида банк томонидан мижозлар олдидаги тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши ва актив операцияларни ривожлантириш учун зарур бўлган кредит ресурсларининг келиб тушиши таъминланади, шунингдек "арзон" ресурсларни жалб қилиш имконияти туғилади.

Тўртинчидан, банкнинг ўз маблағларини бошқариш, бу унинг ишлатилишини ва тўлов қобилиятини таъминлаш учун алоҳида аҳамиятга эга. Банк менежментининг мазкур йўналиши унинг етарлилик мезонларини асослашни ҳамда ушбу етарлиликни баҳолаш имконини берувчи кўрсаткичларни танлашни назарда тутади. Банк томонидан чиқарилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш соҳасидаги сиёсат ўз сармоясини бошқаришнинг самарали воситаси сифатида иштирок этади. Дивидендларнинг оширилиши акция нархининг ошишини ва ўз навбатида, қўшимча акцияларни сотиш ҳамда ўз сармоясини кўпайтириш имкониятини келтириб чиқаради.

Бешинчидан, банк ишлашининг рентабеллигини бошқариш, у умумий даромад ва харажатлар устидан назорат қилинишини, жалб этилган маблағлар бўйича энг катта харажатлар ҳамда кредитлаш ва инвестициялардан кўриладиган энг катта даромадлар динамикасининг таҳлилини назарда тутати.

Олтинчидан, банк фаолиятида учраб турадиган таваккалчиликни бошқариш, у кўпинча таваккал-менежмент деб номланади. Менежментнинг ушбу йўналиши ёрдамида таваккалчиликнинг пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни билиш, кўзда тутилаётган зарарлар кўламини баҳолаш ва огоҳ этиш усуллари ёки уларни қоплаш манбаларини топиш мумкин бўлади.

Еттинчидан, банк менежменти тизимига меҳнат жамоасини бошқариш ҳам киради. Бунда, чет эл тажрибасига таянган ҳолда, одатда менежментнинг иккита модели - японча ва америкача моделлари таҳлил қилинади. Агар уларнинг биринчиси банк фаолиятининг юқори якуний натижаларига эришишда, жамоа ролининг тан олинисига таянса, иккинчиси эса, жамоанинг бутун фаолиятида ҳал қилувчи роль ўйновчи шахсга йўналтирилган. Табиийки, бошқарувнинг бутун тизими ҳам фарқ қилади, шу жумладан қарорлар қабул қилиш, жавобгарлик, назоратни ташкил қилиш, раҳбариятнинг қўл остидагилар билан муносабатлари, меҳнатга ҳақ тўлаш, ушбу бошқарувнинг ўзини баҳолаш, менежер кадрларни тайёрлаш ва ҳ.к.

1.3.Тижорат банкларининг барқарорлиги кўрсаткичлари ва уларнинг банк фойдасига таъсири

Тижорат банкларининг барқарорлик даражасини экзоген ва эндоген факторлар орқали аниқланади. Банкларнинг кенг кўламда банкротликка учраши экзоген факторларга тўғри келади. Бу - мамлакат ёки шудуддаги сиёсий ҳолат, умумиқтисодий ҳолат, молия бозоридаги аҳвол, ҳамкор - банкларнинг ишончилиги, банк мижозларининг ишончилиги. Агарда экзоген факторларнинг таъсири барқарор бўлса, у ҳолда банкнинг шолати

эндоген факторларда аниқланади. Булар: банк стратегияси, ўз капитал маблағлари билан таъминланганлиги, кадрлар малакасининг даражаси, менеджмент даражаси ва унинг ички сиёсати.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи алоҳида факторлар таъсир даражасининг ўзгариши.

Риск даражаси фоизларда шундай аниқланадики, бунда рискнинг умумий суммаси 100 % га тенг бўлсин. Мисол учун, сиёсий барқарорсизликнинг банкротликка таъсири 40 %, ижтимоий - иқтисодий барқарорсизлик-35 %, молия бозорининг ҳолати-20 %, эндоген факторларнинг таъсири - 5%. Тадқиқотнинг шу йўсинда қўйилишидан, биз банкротликни келтириб чиқарувчи ҳар бир факторнинг аниқ таъсир даражасини билиб оламиз. Сиёсий барқарорликнинг ҳукм суриши - банк хизмат кўрсатиш бозорининг ривожланишида муҳим ва самарали шарт - шароит ҳисобланади. Шунинг учун ҳам банк аналитиклари мамлакатдаги ижтимоий - сиёсий аҳволни англаган ҳолда доимо кузатиб боришлари керак.

Мамлакатдаги ва маълум бир ҳудуддаги умумиқтисодий ҳолат куйидаги кўрсаткичлар билан характерланади:

- 1) техник ишлаб - чиқариш қудрати билан;
- 2) таркибий ўзгаришлар билан;
- 3) ялпи ва соф инвестицияларнинг ҳолати билан.

Ялпи инвестиция машина, механизмлар ва иншоотларни ўрнини босувчи барча инвестицион товарлар ишлаб - чиқаришни ўз ичига олади. Соф инвестиция ишлаб чиқариш фондларини (жисмоний капитал) оширилишини билдиради.

- 4) тўлов балансининг ҳолати ва унинг ривожланиш тенденциялари.

Ижтимоий — иқтисодий ҳолат ва молия бозори барқарор бўлган тақдирда, эндоген (ички) факторлар банклар банкротлигида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Банк рискларини самарали (ёки самарасиз) бошқаришда банк стратегияси муҳим аҳамиятга эга. Стратегик бошқарув, уни тўғри

режалаштириш банк рискларини енгиллаштиради ва банк бизнесини муваффақиятли ривожланишини таъминлайди. Банк стратегиясининг қуйидаги муҳим имконий вариантларга ажратишимиз мумкин:

традицион - бошқа барча банклар катори, эришилган ютуқлардан қониқиш ҳолида йўл тутиш;

оппортунистик - бозор ҳолати (товар, валюта, фонд биржалари, пул бозори ва бошқалар)ни билишга асосланган бозорнинг янги сигментларини излаш;

химоявий - бошқалардан орқада қолмаслик шароити билан боғлиқ;

хужумкорлик - банкнинг хизмат кўрсатиш бозорида етакчи ўринларни эгаллаш учун ҳаракат қилиши. Бундай стратегияни амалга ошириш учун бозорни яхши англай оладиган, ностандарт фикрлай олувчи бошқарув ва шу билан бирга яхши ташкиллаштирилган маркетинг тадқиқотлари зарур.

Ўз капиталини жуда паст малака билан бошқарилиши - тижорат банкларининг банкротлигини келтириб чиқарувчи энг кенг тарқалган сабаблардан бири деб ҳисоблаймиз.

Ўз капиталини шакллантириш манбалари: акция чиқариш, ундирилмаган қарзларни қоплаш учун захираларни ошириш, банк фойдасидан оқилона фойдаланиш ва банкнинг балансдан ташқари фаолияти.

Юқорида ўрганилган таҳлиллардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, банкнинг иқтисодий барқарорлик даражаси кун сайин йўқолиб бормоқда, ликвиддилик даражаси йўқолиб, ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларини бажариш имконияти тушиб бормоқда, унинг даромад келтирувчи актив маблағларининг умумий активлардаги салмоғи минимал даражага тушиб кетиши оқибатида фойда олиш ўрнига зарар билан фаолият кўрсатмоқда. Банкда кредит ва фойиз таваккалчилиги даражаси ортган.

Шунинг учун ҳам банкнинг молиявий аҳволини тузатиш ва унинг иқтисодий барқарорлигини яхшилаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Банк сармоядорларини имкониятларини кўриб чиқиш ва йил охирига қадар банкнинг устав капиталини эълон қилинган миқдорга етказишни таъминлаш.

2. Муддати ўтган қарзларни қайтариш учун тегишли тадбир асосида чоралар кўриш ва қайтиши мумкин булган кредитлар учун захираларни белгиланган меъёрга етказилишини таъминлаш.

4. Банкнинг активларини даромад келтирмайдиган қисмини камайтириш ва ўз навбатида даромадлиқ имкониятини ошириш учун актив маблағларни асосан таваккалчилик даражаси кам бўлган ДКК бозорига йўналтириш.

5. Банк бўлимлари ва биноларини қуриш бўйича амалга оширилган 290,5 млн сўмлик капитал щаражатларни банкнинг норентабел бўлимларининг бино ва иншоотларини, банкнинг асосий фаолиятида муҳим бўлмаган воситаларни сотиш орўали ўоплаш.

6. Банк ссудалари бўйича муддати ўтган фоизларни тўлиқ қайтариб олиб, шу суммани банкнинг муддатсиз депозитлардаги мажбуриятларга ишлатиш учун банкнинг вакиллик варақасида сақлаб туриш.

7. Банк маъмуриятига, транспортга, иш хақи ва шу билан биргаликда унга тенглаштирилган ҳаражатларни банк даромадлигига боғлиқ равишда ҳисоблаш.

8. Банкнинг активларини маркетинг тадқиқотларига боғлиқ равишда тақсимлашни йўлга қўйиш.

Хулоса қилиб шуни кўрсатишимиз мумкинки, банкларнинг банкротликка учраши қуйидаги энг асосий ҳолатларда рўй бериши мумкин: ссудаларнинг қайтмаслиги ва бошқа активлар қийматининг йўқотилиши, ликвид маблағларнинг минимум даражадалиги ва асосий фаолиятдан

кўриладиган зарарлар шунингдек, ушбу зарарларни омонатчилар ва мижозлар маблағлари ҳисобидан қоплаш. Бундан ташқари, банк мажбуриятларининг активларга нисбатан ортиб кетиши, қимматли қоғозлар қийматининг тушиб кетиши. Бунга мисол, 1930 - 1933 йиллардаги дунё мамлакатларида тижорат банкларининг ёппасига банкрот-ликка учрашининг асосий сабабларидан бири, банк облигацияларининг бозор нархининг кескин тушиб кетиши ва бунинг натижасида аҳолининг ўз омонатларини қайтариб олиши бўлган. Бундай вазият банк кризиси ёки саросималик деб аталади.

Банк фаолиятида рўй берадиган иқтисодий жиноятлар банк активларининг йўқолиш сабаби ҳисобланади.

Тижорат банкларининг ликвидлиги унинг баланс тузилмаси бўйича белгиланиб, унда активлар пассивга доир муддатли мажбуриятларни қоплаш учун ўз қийматини туширмаган ҳолда йўқотишларсиз пул маблағларига айлантирилиши лозимдир. Банк ликвидлигини таҳлил қилиш масаласи банк назорати бўйича Базел битимида айниқса, чуқур ўрганиб чиқилган. Ушбу битимга мувофиқ «ликвидликни таҳлил қилиш» банкнинг ўз мажбуриятларини муддатида ва зарар кўрмаган ҳолда бажариш лаёқатини аниқлаш заруратини кўзда тутди. Аҳолининг банк тизимида бўлган ишончи банкларнинг ўз мажбуриятларини бенуксон бажаришига боғлиқ. Демак, банкларнинг ликвидлиги ҳамда тўловга лаёқатлилиги банкларнинг умумий молиявий барқарорлигини таъминлаш лозим бўлган банк назорати органларини кўпроқ, ўйлантирадиган соҳа ҳисобланади. Мижоз ҳар сафар ўз ҳисоб варағидан пул олмоқчи бўлганда банкнинг ўз мажбуриятини бажариш зарурияти юзага келади. Мажбурият бажарилмаганда банк ўз обрўсини йўқотади ва бу ҳам банкни банкротликка олиб келади.

Банк ликвидликнинг ызгаришига таъсир қилувчи омилларни шисобга олган ҳолда ликвидли активларга зарур миқдорини белгилаб олишлари шарт. Мазкур омилларга қуйидагилар киради:

1) омонатчиларнинг кўпайиши ёки камайишига кўра маблағларга эга бўлиш ёки уларни йўқотиш банк жалб қилинган маблағлар бўйича мажбуриятларни яқин муддатларда бажариши лозим, бу омонатлар ва бошқа пассивларнинг муддатлари билан боғлиқ, ҳамда банкда қоладиган депозитлар миқдорини (асосий депонентлар) ҳисоб варақдан олинадиган ёки дархол тўланадиган депозитлар ва бошқа пассивлар билан қиёсланган ҳолда таҳлил қилиш керак;

Даромадлилик ошаётган бир пайтда ликвидликнинг мақбул даражасини таъминлаш учун банк жалб этилган омонат муддатлари ва уларга доир харажатларни таҳлил қилиб, кредит қўйилмалар ва инвестициялар муддатлари ҳамда режалаштириладиган даромадлар билан таққослаш лозим. Бундай таққослаш жойлаштирилган ва жалб этилган маблағларни муддатлари бўйича солиштириш асосида банк ликвидлиги ҳолатини аниқлаш, шунингдек, ликвидликнинг зарур даражада энг кўп фойдага эришиш учун қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитларнинг оптимал нисбати билан кредит сиёсатини олиб бориш имкониятини беради.

Ликвидликни сифатли баҳолаш, банкнинг молиявий аҳволини таҳлил ва назорат қилиш учун коэффициентлар услубидан фойдаланилади. У деярли барча давлатларда қўлланилади, меъёри қиймат турлича бўлиши мумкин. Банк назорати бўйича базел қўмитаси ликвидликни таҳлил қилишнинг қуйидаги тамойилларини таклиф этади. Уларга мувофиқ ликвидликнинг 6 та андозавий коэффициентлари мавжуд. Дастлабки икки коэффициент Марказий банк талаблари бажарилишини назорат қилиш учун қолган 4 таси ликвидлик билан боғлиқ аҳволнинг йўналишини таҳлил этиш учун ҳисоб -китоб қилинади.

1. Нақд пул захираларига доир талабларга риоя қилиш коэффициенти. Базель битими маҳражда ликвидликнинг зарур даражасини, суръатда эса банкнинг муайян санасидаги нақд пул захираларини кырсатишни таклиф этади. Агар ушбу коэффициент бирга тенг бўлса, Марказий банк талаблари

қатъий бажарилаётган бўлади. Агар кўрсаткич бирдан кам бўлса, банкда ликвидликнинг етишмаслиги ёки тескари вазият бўлади.

2. Ликвид активларга доир талабларга риоя қилиш коэффициенти. Унинг махражида ликвидликнинг талаб этиладиган даражасини қўйиш, суръат эса ликвидлик активларнинг муайян санадаги амалий миқдорини кўрсатиш зарур.

3. Кредитлар депозитлар. Мазкур коэффициент ликвидлик билан боғлиқ ишларнинг ахволини кўрсатади ва унинг кичик қиймати ликвидлик етарли даражада эканлигидан далолат беради:

Айланма маблағлар - активлар;

Айланма маблағлар- депозитлар;

Айланма маблағлар - депозитлардан қарз маблағлари.

4. Коэффициент банкининг барча активларидаги ликвид активлар улушини кўрсатади. Кейинги коэффициент айланма маблағларининг депозитлар ва қарз маблағларига нисбатини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг «Тижорат ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблари тўғрисидаги » Низом N421 2 ноябрь 1998 йилги қондасига асосан ликвидликни тартибга солиш таҳлил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

- Ликвидлик коэффициентлари тизимини тўғри ҳисоблашни тартибга солиш;
- Банк ликвидлигидаги ижобий ва салбий йўналишларни аниқлаш;
- Салбий йўналишларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш;
- Банк ликвидлигининг ахволи тўғрисида хулоса чиқариш;
- Банк ликвидлигини таҳлил қилиш натижалари асосида банкга тавсиялар тайёрлаш;

Мазкур қоидага мувофиқ лаҳзалик, жорий ва қисқа муддатли ликвидлик кўрсаткичлари меъёрий ҳисобланади. Ликвидлик банкнинг мажбуриятларга доир тўловларни бажариш талабларини ўз вақтида ва тўлиқ

бажариш лаёқати ҳамда миждозларнинг кредитга бўлган эҳтиёжини қондиришга тайёргарлиги асосида баҳоланиши мумкин. Банк ликвидлиги қуйидагилар қопланиши лозим:

- депозитларнинг олиними;
- активлар ва мажбуриятларни қоплаш муддатлари ўртасидаги фарқлар;
- пул бозорининг ўзгаришлари;
- режалаштирилмаган ҳаражатлар;

II-БОБ. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда ТИФ “Миллий банк” нинг роли ва уни такомиллаштириш йўналишлари

2.1.ТИФ “Миллий банк” нинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон республикаси ТИФ “Миллий банк”и 1991 йили президент фармонида кўра ташкил этилди. Ўтган давр давомида банк ўзининг самарали фаолияти орқали республика молия бозорида ишончли ва барқарор банк сифатида тан олинди. Банкнинг ўз капитали 670,2 млрд.сўмни ташкил этмоқда. Ушбу кўрсаткич ва ТИФ нинг даромадлилиги бўйича банк Ўзбекистон банклари ичида биринчи ўринни эгалламоқда.

Бугунги кунда Миллий банк – бу кўплаб филиалларга эга бўлган универсал банк бўлиб, турли спектрдаги хизматларини амлга оширмоқда. Унинг хизмат турлариги – инвестицион бизнес, ташқи савдо ва лойиҳаларни молиялаштириш, активларни бошқариш, хусусий ва корпоратив мижозларни ҳисоб-касса фаолиятини амалга ошириш, истеъмол ва ипотека кредитлашни амалга ошириш кабилар киради.

Банкнинг эшиклар доимо ўз мижозларга очик бўлиб, мижозларнинг долзарб саволларига жаовб бериш орқали, барча турдаги замонавий хизматларни амалга оширади. Мижозлар билан ишлаш борасида амалиётда синалган ишочли ва барқарор мнеджмент тизими, ишлаш жараёнидаги тезкорлик, ҳамда давлат манфаатлариги хизмат қилиш Миллий банкнинг йилдан йилга ижобий молиявий натижаларни эришишга хизмат қилмоқда.

Банк томонидан ишлаб чиқилган кредитлаш дастурлари миллий саноатни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Банк фаолиятининг стратегик йўналишларидан бўлиб халқ хўжалигига хизмат қиладиган юқори технологик ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тармоқларни қўллаб-қувватлаш, юқори самарали ишлаб чиқариш мажмуаларни шакллантириш ва мавжудларни модернизациялаш

лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилган. Банк кредитлари асосан кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, ҳамда маҳаллий хом-ашё ва материалларни қайта ишлаш орқали импорт ўрнини босувчи истеъмол товарларни ишлаб чиқаришга қаратилган.

Банк инвестицияларнинг салмоқли қисми нефть қазиб олиш ва нефтни қайта ишлаш, машинасозлик, озиқ-овқат саноати, қора ва рангли металлургия, тўқимачилик саноати, қишлоқ хужалиги ишлаб чиқриши, ҳамда транспорт, алоқа ва туризма инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилган.

Миллий банк фаолияти давомида ўз фаолиятини барқарорлигини таъминлаш, фойда оладиган манбаларни диверсификациялашга максимум ҳаракат қилмоқда, корпоратив мижозлар сонини кўпайтириш, филиаллар тармоғини ривожлантириш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларни кредитлаш, ҳамда банкнинг янги хизмат турларини жорий этиш борасида амалий ишлар олиб бормоқда. Миллий банкнинг молиявий барқарорлиги Moody's и Standart&Poor's халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилган.

Ўзбекистон республикаси президенти И.А.Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ислохотлар, айниқса аёли турмуш тарзининг барча жабҳаларини эркинлаштириш мамлакатимиз ривожланишининг янги имкониятларини очиб бермоқда, бу эса ўз навбатида банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтиришга сабаб бўлмоқда.

Миллий банкнинг молиявий барқарорлиги келажакда ҳам мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини фақатгина базавий тармоқларини ривожлантириш эмас, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий таъминлаш эвазига эришилади.

Бугунги кунда ТИФ “Миллий банк” ўз мижозларига кенг қўламли банк хизматларини таклиф этмоқда. Жумладан анъанавий банк хизматлари билан


бир қаторда бизнесни ривожлантиришнинг стратегик дастурларини ишлаб чиқиш хизматлари ҳам амалга оширилмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг банк секторининг интенсив ривожлантириш шароитида “Миллий банк” Марказий Осиё ва Ўзбекистонда биринчи бўлиб халқаро стандартларга жавоб берадиган янги счётлар дастурларини киритди. 2004 йили «Глобус» автоматлаштирилган банк тизимини жорий этиш борасидаги ишлар якунланди. Бугунги кунда «Глобус» АБТ асосида банкнинг Тошкент шаҳридаги 6 та йирик бўлинмалари, ҳамда мамлакатнинг барча минтақаларда жойлашган 90 филиалларида амал қилиб келмоқда. Банк Москва шаҳрида жойлашган “Азия-инвест банк” шўъба бўлинмаси фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда ТИФ “Миллий банк” ўз олдида қуйдаги асосий вазифаларни бажаришни белгилаб олган:

- Реал ва потенциал мижозлар гуруҳларнинг талабларига жавоб берадиган фаол маркетинг сиёсатини шакллантириш;
- Корпоратив мижозлар билан ишлашни фаоллаштириш ва кўпроқ мижозларни жалб этишни рағбатлантириш;
- Ҳар бир мижозга технологик стандартлар доирасида индивидуал ёндашишга асосланган мижозлар билан ишлаш мафқурасини яратиш;
- Мамлакатнинг чакана бозоридаги етакчилик мавқеини сақлаб қолиш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда миллий экспортни ривожлантириш борасидаги давлат инвестицион дастурини рўёбга чиқаришда максимал қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш;
- Мижозларнинг кенг базасига суянган ҳолда, актив ва пассивларнинг баланслашган тузилишини таъминлаш, уларни бошқариш борасидаги замонавий усулларни жорий этиш;
- Ташқи молиялаштириш манбаларни ишга солган ҳолда ресурс базасини диверсификациялаш;

- Чет эл инвесторлар олдидаги халқаро стандартлар борасидаги юксак обрўсини ишса солган ҳолда, банкнинг талабларига жавоб берадиган нарх шартларида халқаро капитал бозоридаги фоалиятини фаоллаштириш;
- Фойдалиликни ва ликвидликни ошириш, валюта ва бозор таваккалчиликларни камайтириш мақсадида инвестицион портфель тузулишини оптималлаштириш;
- Бошқарувнинг иқтисодий воситалари ва ваколатларни тақсимлашнинг оптимал тизимига асосланган эгулувчан банк бошқарувини ташкил этиш;



2.1. расм. Ўзбекистон республикаси ТИФ «Миллий банк» нинг бошқарув тузилмаси

2.2.ТИФ “Миллий банк” нинг миллий иқтисодиётнинг ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришдаги роли

Иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва унинг кредитлашнинг ахамияти ҳурматли юртбошимиз таъкидлаб ўтган қуйидаги сўзларда тўлиқ ўзифодасини топган:

“Қуйидаги йўналишларга асосланган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин:

-мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли қафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хомашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш;

-давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш;

-кичик корхоналар ташкил қилиш ҳамда кичик корхоналар ва тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, кичик бизнес субъектларини қуриш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, нотураржой хоналари ва зарур ер участкаларини ажратиб бериш борасидаги масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилиш;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференсиялар бериш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика

органларига ҳисоботлар топшириш механизмини такомиллаштириш ва унификациялаш;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш;

-кичик бизнесни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни, авваламбор, халқаро молия институтларининг кредитларини ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва йўналтириш;

-саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда юқори технологияга асосланган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш масалаларини тубдан ҳал этиш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, экспортга мўлжалланган маҳсулотини жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот билан таъминлаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида уларга консултатив кўмак бериш тизимини янада ривожлантириш. Тадбиркорларнинг ўз ишини очиши билан боғлиқ масалаларда содир бўлаётган аниқ ўзгаришларга;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқлари-энергия ва газ таъминоти, сув ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа тармоқларга уланиши бўйича шарт-шароитларнинг яхшиланиши ва муддатлари қисқартирилишига;

-тадбиркорлик субъектларига ер участкалари, шунингдек, нотураржой хоналар ажратиб бериш билан боғлиқ ҳолат қанчалик яхшиланганига;

-кичик бизнес субъектлари фаолиятини текшириш ва бошқа ортиқча чеклашларни, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини қисқартириш борасидаги ишларнинг аҳволи қай тарзда ўзгараётганига;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилиши билан боғлиқ ишларнинг аҳволи қанчалик ўзгарганига алоҳида эътибор қаратиш лозим” .

Бугунги кунда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик динамик ўсишни намоён этмоқда. Республика ҳукумати томонидан маҳаллий тадбиркорларни янада қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган фаол чоратадбирлар натижасида, мамлакат ЯИМда кичик бизнеснинг салмоғи тахминан 54 фоизни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, иқтисодиётни мазкур секторини ривожлантиришга кўмаклашишда мамлакат тижорат банклари муҳим роль ўйнайди. Жорий вазият ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни банк томонидан кредитлашнинг келгуси истиқболлари ҳақида қуйидаги фикрлар ўринлидир.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар кичик бизнеснинг субъектлари бўладилар, улар ходимларнинг ўртача сони конун томонидан белгиланган чегаравий даражадан ошиб кетмайди.

Товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга шахсий ва бошқа шахсларнинг жалб қилинган мулклари асосида шахсий меҳнатни ва ёллаш бўйича меҳнатни қўллаш воситасида таваккалчилик ва мулкый жавобгарлик остида фойда (даромад) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар хусусий тадбиркорликнинг субъектлари бўладилар.

Юридик шахсни ташкил қилмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳам кичик ва хусусий

тадбиркорликнинг субъектлари ҳисобланадилар.

Кичик корхоналар қуйидагича ташкил қилинишлари мумкин:

- фуқаролар, оила аъзолари ва бошқа шахслар томонидан;
- давлат, ижара, жамоа, ҳиссадорлик жамиятлари, хўжалик ассоциациялари, қўшма корхоналар ва бошқалар томонидан;
- жамоат ташкилотлари томонидан;
- айтиб ўтилган идораларнинг ҳамкорлиги асосида;
- мулк эгасининг розилиги билан жамоа ташаббуси бўйича амалдаги корхоналар таркибидан ажралиб чиқиш натижасида.

Бундан ташқари, кичик корхоналар, бирлашмалар ва корхоналарнинг ташаббуси билан (монополияга қарши идоранинг қарори бўйича) мажбуран ташкил қилинишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган республикани 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, 2009-2012 йилларга мўлжалланган «Инқирозга қарши чоралар дастури» ҳамда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йили" давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётда юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблик сақланиб қолинди.

2013 йилда Ўзбекистонда, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 77,8 трлн. сўмлик ЯИМ ишлаб чиқарилиб, унинг реал ўсиши 2012 йилга нисбатан 8 фоизни ташкил қилди. Иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари:

- мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш бўйича ишлаб чиқилган тадрижий тараққиёт дастури ва ички талабни рағбатлантиришга доир чора-тадбирларни изчил амалга оширилаётганлиги;
- иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган сиёсатни олиб борилаётганлиги;
- мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини сезиларли даражада ошаётганлиги;

- молия-банк тизимининг барқарор ва самарали фаолият кўрсатаётганлиги эвазига эришилди.

2013 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2012 йилга нисбатан 8,8 фоизга. 2013 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2012 йилга нисбатан 6,8 фоизга ошди, 1,3 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги ижобий сальдога эришилди.

Мазкур давр мобайнида кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 53 фоизни ташкил қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сонли Қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили давлат дастури» доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва олиб бориш тартиб-таомилларини соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирлар комплекси амалга оширилди. Хусусан, кичик бизнес субъектларининг давлат харидлари тизимида иштирок этишини ҳамда юқори ликвидли маҳсулотлар олиш имкониятини кенгайтириш, экспорт қилувчи корхоналарнинг маҳсулотларини ва олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналарни сертификатлаштириш тартибини янада соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига дахлдор солиқ текширувларини тубдан қисқартириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ушбу кўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенгайтишига хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра кичик бизнес субъектларининг сони ўтган йилда 17,2 мингтага ўсиб, 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра 218,9 мингтани (фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда) ташкил этди. Ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 55,8 фоизга етди.

2013 йилда инфляция даражаси тасдиқланган прогноз кўрсаткичдан паст бўлди ва бунда қатъий монетар сиёсат юритилаётганлиги муҳим аҳамият касб этди. Республика ҳудудларида товарлар ва хизматлар нархларининг ўзгариши бўйича олиб борилган кузатишлар, шунингдек, истеъмол маҳсулотлари бозори конъюнктураси ва уларнинг халқаро бозордаги нархлари динамикаси таҳлили 2013 йилда инфляцияга асосан номонетар омиллар таъсир этганлигини кўрсатди.

2013 йилда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 2012 йилга нисбатан 11,7 фоизга ортиб, 13 млрд. долларни ташкил этгани мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганидан далолат беради.

2013 йилда пул-кредит сиёсати «Монетар сиёсатнинг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари»га мувофиқ ҳолда юритилди. Бунда, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, инфляциянинг тасдиқланган параметрлар доирасида бўлиши ва миллий валюта барқарорлигини таъминлаш мақсадида пул-кредит сиёсатининг бозор инструментларидан кенг фойдаланилди. Очик бозордаги операциялар муомаладаги пул массасини бошқариш, банк тизими ликвидлигини тартибга солиш ва фоиз ставкалари барқарорлигини таъминловчи асосий инструментлардан бири сифатида Марказий банк томонидан мунтазам равишда кенг қўлланилиб келинмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ҳисоб рақамида қўшимча равишда 2,7 трлн. сўм эквивалентидаги маблағлар жамланиб, ташқи омилларнинг ушбу миқдорда пул массаси ўсишига таъсири камайтирилди. Бундан ташқари, Марказий банк томонидан иқтисодиётдаги пул таклифини бошқаришда монетар сиёсатнинг асосий инструментларидан бири бўлган қайта молиялаш ставкасидан ҳам кенг фойдаланилди. Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2011 йилнинг 1

январидан йиллик ҳисобда 14 фоиздан 12 фоизгача туширилди ва йил давомида ўзгартирилмасдан сақлаб турилди. Бу эса, ўз навбатида пул бозорида фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келиб, хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг камайиши ва бунинг натижасида уларнинг инвестицион фаоллигини оширишга хизмат қилди.

2013 йилда халқаро валюта бозорларидаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш бўйича зарурий чора-тадбирлар амалга ошириб борилди. Бунда ички валюта бозорига ташқи омилларнинг салбий таъсирини бартараф этиш ва уни самарали тартибга солиш мақсадида валюта алмашув курсининг ўзгариб боровчи бошқариладиган стратегияси қўлланилди. Марказий банк миллий валюта алмашув курсини мақсадли коридор доирасида ушлаб туриш учун валюта савдоларида хорижий валюталарни сотувчи ва сотиб олувчи сифатида қатнашиб, интервенция операцияларини амалга ошириб борди. Экспортни рағбатлантириш ҳамда импортни мақбуллаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ички валюта бозоридаги операциялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 19,8 фоизга ошиб, 13,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра бир АҚШ долларининг номинал қиймати 1 795,0 сўмни ташкил қилиб, миллий валютанинг девальвацияси 9,5 фоизга тенг бўлди. Сўмнинг АҚШ долларидан бошқа хорижий валюталарга нисбатан алмашув курслари ушбу валюталарнинг ташқи валюта бозорларидаги АҚШ долларига нисбатан курслари динамикаси ва ички валюта бозорида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси таъсири остида шаклланди. Шунга мувофиқ, 2011 йилда сўмнинг япон иенасига нисбатан алмашув курси 16,4 фоизга, фунт стерлингга нисбатан 9,8 фоизга ва еврога нисбатан 8,2 фоизга пасайди.

2013 йилда республика банк тизимидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли

Қарори билан тасдиқланган «2011 - 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар» ҳамда Ҳукуматнинг банк тизимига оид қарор ва дастурларида белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилди, жумладан:

- тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, ушбу соҳага хусусий капитални жалб этиш, депозит базасини кенгайтириш;
- тижорат банкларининг активлари сифати, улар фаолиятидаги таваккалчиликлар, айниқса кредит таваккалчилигини бошқаришнинг сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш;
- аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағларини узок муддатли депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш;
- банк назоратини халқаро амалиётдаги янги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш;
- республика тижорат банклари ва банк тизими фаолиятини баҳолашда халқаро амалиётда қўлланиладиган меъёрлар, мезонлар ва андозаларни жорий этиш ва уларнинг бажарилишига эришиш;
- иқтисодиётга йўналтирилаётган кредитлар ҳажмини ошириш ва банкларнинг инвестиция жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш механизминини янада соддалаштириш ва уларга ажратиладиган кредитлар ҳажмини ошириш, авваламбор, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун узок муддатли кредитлар беришни рағбатлантириш;
- банк қонунчилигини, жумладан, хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган молия институтларини ташкил этишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш орқали молия-банк соҳасига хусусий капитални жалб қилишни кўпайтириш;

- тижорат банкларида ҳисоб ва ҳисоботни юритишда замонавий технологиялар ва услубларни жорий этиш, уларнинг сифати ва шаффофлигини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилди.


Банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ривожланиш кўрсаткичлари, халқаро индикаторлар асосида таҳлил қилинганда, юқори даражадаги баҳоларга мувофиқ келади. Жумладан, банк тизими капиталининг етарлилик даражаси кўрсаткичи 24,2 фоизни ташкил қилиб, умумқабул қилинган халқаро стандартларга нисбатан 3 баробар юқори бўлиши таъминланди. Шунингдек, 2011 йилда «тижорат банклари ликвидлиги», «депозитлар ҳажмининг динамикаси», «кредит қўйилмалари ҳажмининг ўзгариши» индикаторлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда ишчанлик муҳитини шакллантиришнинг мезонлари ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чора-тадбирлар Дастури тўғрисида» 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464 –сонли Қарори билан белгиланган мезонларга кўра юқори даражадаги баҳоларга эга бўлди. Банklar томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш индикаторлари, жумладан банк хизматларидан фойдаланиш даражаси индикатори ҳар 100 минг (катта ёшли) аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сони 49,5 тани ташкил этиб, (30 тадан юқориси) «юқори даража» ва ҳар мингта катта ёшли аҳолига тўғри келадиган жисмоний шахс-омонатчилар ҳисобварағи сони индикатори – 1025 бирликни ташкил қилиб, бу бўйича ҳам (1000 тадан кўпи) «юқори даража» баҳоларга мувофиқ бўлди. 2013 йилда республика банк тизими жами активларининг 98 фоиздан зиёд қисмини ўзида мужассамлаштирган 23 та тижорат банки “Мудис инвестор сервисес”, “Стандарт энд Пурс”, “Фитч Рейтингс” каби нуфузли халқаро рейтинг компанияларининг “барқарор” рейтинг баҳоларига эга бўлди. 2013 йилда 6 та тижорат банкининг халқаро рейтинг баҳолари яна бир поғонага кўтарилган бўлса, банк тизими активларининг 62,7 фозини ташкил

қилувчи 5 та йирик тижорат банки бир йўла иккита халқаро рейтинг агентликлари томонидан ўз молиявий ҳолатлари ва фаолият натижаларини ижобий рейтинглар билан тасдиқланишига эришдилар.

Банк тизимининг ресурс базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида банкларнинг жами капитали 2011 йилда 30,1 фоизга ўсиб, 2012 йил 1 январь ҳолатига 5,3 трлн. сўмни ташкил этди (2.2.- расм).

Бугунги кунда 17 та тижорат банки акциялари «Тошкент» фонд биржаси листингига киритилган бўлиб, ушбу қимматли қоғозларнинг котировкаси биржада мунтазам равишда амалга оширилиб, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниб борилмоқда.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилаётган акциялар ҳажмининг 25 фоизидан кам бўлмаган қисми фонд биржасида бирламчи жойлаштирилиб борилмоқда. Хусусан, 2011 йил давомида тижорат банкларининг 53,0 млрд. сўмлик акциялари «Тошкент» республика фонд биржасининг бирламчи савдоларида жойлаштирилди. (2.2-расм)




2.2-расм. Тижорат банклари жами капиталининг динамикаси.

Банклар томонидан жалб қилинган жами депозитлар ҳажми йил бошига

нисбатан 36,3 фоизга ошиб, 2012 йил 1 январь ҳолатига 18,0 трлн. сўмни ташкил этди. Банклардаги омонатлар ҳажмининг ошишида аҳоли реал даромадларининг ўсиши ҳамда банк тизимининг барқарорлиги асосий омил бўлгани ҳолда, банклардаги омонатларнинг тўлиқ қайтарилиши давлат томонидан кафолатланганлиги ва улардан олинадиган фоиз даромадлари солиқдан озод этилганлиги банк депозитларини қулай, хавф-хатарсиз ва барқарор даромадли молиявий инструментга айлантирди.

Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, ҳозирда тижорат банклари томонидан 400 дан ортиқ жозибадор омонат турлари таклиф этилмоқда. Натижада, аҳолининг банклардаги пул маблағлари қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,7 трлн. сўмга ёки 1,4 баробарга ортиб, 2012 йил 1 январь ҳолатига 6,2 трлн. сўмга етди (2.3.- расм). Аҳоли омонатларининг таркибида жамғарма ва муддатли омонатлар улуши 88,1 фоизни ташкил этди (2.3.- расм)



2.3.-расм. Тижорат банкларидаги жами депозитлар ва аҳоли омонатлари қолдиғи динамикаси.

Банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида банклар томонидан узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини муомалага чиқарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2011

йилда тижорат банклари томонидан 204 млрд. сўмлик узоқ муддатли облигациялар инвесторлар ўртасида жойлаштирилган бўлса, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида жойлаштирилган банк депозит сертификатлари ҳажми 427 млрд. сўмни ташкил қилди.


Бугунги кунда банклар ресурс базасининг муттасил ўсиб бораётганлиги, ўз навбатида банкларнинг кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларини кенгайтириб, банк активлари ҳажмининг ошишига имкон бермоқда. Тижорат банкларининг умумий активлари ўтган йилга нисбатан 6,7 трлн. сўмга ёки 32,4 фоизга ошиб, 27,5 трлн. сўмга етди (2.4.-расм).



2.4.-расм. Тижорат банкларининг жами активлари қолдиғи динамикаси.

Банклар томонидан ажратилган кредитлар қолдиғи 4,1 трлн. сўмга ёки 35,6 фоизга ошиб, 2012 йил 1 январь ҳолатига 15,7 трлн. сўмни ташкил этди (7-чизма). Таъкидлаш лозимки, ажратилган мазкур кредитларнинг 85,3 фоизи ички манбалар ҳисобига берилган бўлиб, ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинмоқда.

Банкларнинг умумий кредит портфелида узоқ муддатли кредитларнинг улуши эса 75,4 фоизни ташкил қилиб, уларнинг ҳажми 36,2 фоизга ошди. (2.5.-расм)



2.5.-расм. Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари динамикаси.

2012 йил мобайнида тижорат банкларининг инвестиция жараёнларидаги иштироки янада фаоллашиб, корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан 4,4 трлн. сўм ёки 2011 йилга нисбатан 35 фоизга кўп инвестицион кредитлар ажратилди. Шунингдек, тижорат банклари балансига олинган иқтисодий ночор корхоналарни тиклаш, улар базасида янги ташкил этилган корхоналарни салоҳиятли инвесторларга сотиш ишлари самарали амалга оширилиб келинмоқда.

Ушбу мақсадда барча етакчи тижорат банклар қошида қатор инвестицион ва инжиниринг компаниялари ташкил этилди. 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра тижорат банклари балансига қабул қилинган жами 164 та иқтисодий ночор корхоналардан 156 тасининг фаолияти қайта тикланиб, 110 таси 851,6 млрд. сўмга янги мулкдорларга сотилди.

Тижорат банклари томонидан мазкур корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш ишларига 275 млрд. сўм миқдорида

инвестиция киритилди, натижада 22 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Ишлаб чиқариш фаолияти тикланган корхоналар томонидан 1,0 трлн. сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, 320 млн. АҚШ долларида кўп маҳсулотлар экспорт қилинди. Бугунги кунда тижорат банкларининг тасаруфида қолган 54 та корхонадан 46 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланган бўлса, 8 та корхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, технологик линияларни тиклаш, қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштириш бўйича “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. 2011 йилда мазкур банк томонидан намунавий лойиҳалар бўйича 7400 та якка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштиришга жами 573,4 млрд. сўмлик маблағлар йўналтирилди.

Ушбу маблағларнинг 208,4 млрд. сўми миқдорларнинг бадаллари ва 365,0 млрд. сўми “Қишлоқ қурилиш банк”нинг кредитлари ҳиссасига тўғри келади. Мазкур кредитлар “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан имтиёзли равишда 15 йил муддатга 7 фоизли ставка бўйича ажратилмоқда.

Давлат дастури доирасида тижорат банкларининг барча филиалларида “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилди, банкларнинг мунтазам янгилаб туриладиган веб-сайт ва порталлари орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ахборот хизмати кўрсатиш тизими кенгайтирилди. Яратилган шароит ва имтиёзлар натижасида тижорат банклари томонидан мазкур соҳа вакилларига кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайиб, сифати ошиб бормоқда.

Жумладан, 2012 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2011 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробарга ошиб, 4,0 трлн. сўмни ташкил этди ва мазкур маблағлар ҳисобига ҳудудларда 291 мингтадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Ажратилган микрокредитлар ҳажми 752,3 млрд. сўмни

ташкил этиб, мазкур кўрсаткич 1,5 баробарга ўсди. Давлат дастурига мувофиқ, турли соҳа ва йўналишлар учун кредитлар ажратиш истиқболли кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланди. Жумладан:

- озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга 712,4 млрд. сўм;
- нооziқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадларига 724,0 млрд. сўм;
- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 351,1 млрд. сўм;
- касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиш учун имтиёзли шартлар асосида 25,6 млрд. сўмлик микрокредитлар;
- шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига йирик шохли қорамол сотиб олиш учун 59,7 млрд. сўм;
- тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармалари маблағлари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларига 31,2 млрд. сўм;
- оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 54,1 млрд. сўм миқдоридаги кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, халқаро молия институтлари ва хорижий давлатлар ҳукуматларининг 143,4 млн. АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит линиялари ва грантлари ўзлаштирилди.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда инновацион технологиялардан фойдаланувчилар билан бир қаторда банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари (банк-мижоз, интернет банкинг, мобил-банкнинг, sms-банкнинг)дан фойдаланувчилар сони ҳам ортиб бормоқда.

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони 56 мингтадан ошди. Шундан, интернет-банкнинг ва «банк-мижоз» дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар сони 26 мингтани ташкил этган бўлса, мобил-банкнинг ва sms-банкнинг хизматларидан фойдаланувчилар сони эса 30 мингтадан ошди.

Банкларнинг капиталлашув даражасини ва банк ликвидлилигининг оширилиши пировардида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратади. Шу билан бирга, кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда банкларнинг инвестиция кредитлари орқали иштирокини таъминлашнинг фаоллашгани барқарор ресурс базасини шакллантиради.

2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамизда 30 та тижорат банки фаолият кўрсатиб, уларнинг 3 таси давлат тижорат банки, 13 таси акциядорлик тижорат банки, 9 таси хусусий банк ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банк ҳисобланади. Уларнинг 822 та филиали томонидан республикамиз барча ҳудудларида мижозларга банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Банк муассасалари тармоғининг кенгайиб бораётгани банклар ўртасидаги рақобат муҳитининг кучайиши ҳамда банк хизмат турлари сифати ва кўламининг ошиб боришига имкон берди.

Тижорат банклари олдида 2013 йил учун белгилаб берилган устувор вазифалардан асосийси ҳам банкларнинг барқарорлигини ва капиталлашув даражасини янада ошириш, етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қабул қилинган халқаро меъёрлар, мезон ва стандартларга асосланган ҳолда, банк тизимини баҳолаш кўрсаткичларининг замонавий тизимини жорий этиш белгиланган эди. Ушбу вазифалар доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг умумий капиталини қўшимча акциялар чиқариш орқали 2011-2015 йилларда ўртача 2,1 мартага оширишни таъминлаш вазифасини қўйди.


Натижада банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ривожланиш кўрсаткичлари, халқаро индикаторлар асосида таҳлил қилинганда, юқори даражадаги баҳоларга мувофиқ келади. Жумладан, банк тизими капиталининг етарлилик даражаси кўрсаткичи 24,2 фоизни ташкил қилиб, бу банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан қабул қилинган халқаро стандартларга нисбатан 3 баробар кўп бўлган даражани ташкил этди.

2.6.-расмдан кўриниб турибдики,сўнгги 4 йилда мамлакатимиз тижорат банкларининг умумий капитали 2,5 баробар кўпайди ва бугунги кунда 5,3 триллион сўмдан ошиб кетди.

Юртимизда, 2008 йилдан бошлаб тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг олиш учун «Мудис», «Фитч Рейтингс», «Стандарт энд Пурс», «Томпсон Файнэншл Банк Вотч», «Жапан Кредит Рейтинг Эженси», «Рейтинг Эженси Малайзия» каби нуфузли халқаро рейтинг компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик ишлари давом эттирилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими халқаро талабларга қатъий жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Буни «Standard & Poor's», «Moody's», «Fitch ratings» каби халқаро рейтинг агентликлари томонидан сўнгги йилларда Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда "барқарор" рейтинг даражасини бериб келинаётгани ҳам тасдиқлаб турибди.



2.6.-расм. Тижорат банклари капиталининг ўсиш динамикаси.

2008 йилда республикаимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг 12 таси халқаро «Мудис», «Фитч Рейтингс» ва «Стандарт энд Пурс» рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олишга

эришган бўлса, 2010 йилда улар 15 тага, 2011 йилда эса ушбу кўрсаткич 23 тага етди, бу банкларнинг активлари мамлакатимиз банк тизими умумий активларининг 98 фоизини ташкил этмоқда. 2011 йилда 6 та тижорат банкининг халқаро рейтинг баҳолари яна бир поғонага кўтарилган бўлса, банк тизими активларининг 62,7 фоизини ташкил қилувчи 5 та йирик тижорат банки бир йўла иккита халқаро рейтинг агентлиги томонидан ўз молиявий ҳолатлари ва фаолият натижалари ижобий рейтинглар билан тасдиқланишига эришди. Шу билан бирга, 2011 йилнинг август ойида “Мудис” халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизими бўйича ривожланиш истиқболларининг “барқарор” даражадаги рейтинг баҳоси қайта тасдиқланди. “Стандарт энд Пурс” халқаро рейтинг агентлиги эса 2011 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон банк тизимини ижобий баҳолаб, унинг рейтингини бир поғона юқори кўтарди. Бугунги кунда 17 та тижорат банки акциялари «Тошкент» фонд биржаси листингига киритилган бўлиб, ушбу қимматли қоғозларнинг котировкаси биржада мунтазам равишда амалга оширилиб, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб борилмоқда.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилаётган акциялар ҳажмининг 25 фоизидан кам бўлмаган қисми фонд биржасида бирламчи жойлаштирилиб борилмоқда. Хусусан, 2011 йил давомида тижорат банкларининг 53 миллиард сўмлик акциялари «Тошкент» республика фонд биржасининг бирламчи савдоларига чиқарилди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2007 йил 12 июлдаги ПҚ-670 сонли ва “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317- сонли қарорларига асосан банкларнинг минимал устав капиталлари миқдорига ўзгартиришлар киритилди. Ушбу қарорларга

мувофиқ янги ташкил этилаётган тижорат банкларининг минимал устав капитали 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидагича миқдорда белгилаб қўйилди:

- Тижорат банклари учун сўм эквивалентида 10 м иллион евро миқдорида;
- Хусусий банклар учун сўм эквивалентида 5 миллион евро миқдорида;
- Хорижий капитал иштирокидаги банклар учун сўм эквивалентида 10 миллион евро миқдорида.

Банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозитлари ҳажмининг ўсиши актив операциялар ҳажмини ошириш, хусусан кредитлаш имкониятларини янада кенгайтириш, банклар жами активларининг ўсиб бориши учун мустаҳкам замин бўлмоқда.

Сўнгги 4 йилда тижорат банкларининг умумий активлари 2,3 баробар ўсди.



2.7.-расм. Тижорат банкларининг жами активлари динамикаси.

Ушбу диаграммадан кўриниб турганидек, банк активлари ўтган йилга нисбатан 32,4 фоиз ўсиб, 27,5 триллион сўмга етди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия- банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва бароқарорлигини

ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли қарорининг қабул қилингани жаҳон ва миллий иқтисодиётда ўзгарган молиявий аҳвол шароитида Ўзбекистон банк тизими ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди.

Ушбу қарорга мувофиқ:

1. Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро андозалар талабларига асосан тижорат банкларининг янада капиталлашуви, ушбу соҳага хусусий капитални жалб қилиш, ресурс базаларини ошириш, активлар сифатини яхшилаш, банк ишини такомиллаштириш ҳисобидан банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш;

2. Етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланадиган ва алоҳида банклар ва ҳамда бутун банк тизимининг бутун дунёда қабул қилинган баҳолаш кўрсаткичлари бўйича янада юқори даражага кўтарилишини объектив баҳолаш имконини берадиган халқаро нормалар, стандарт ва мезонлар асосида алоҳида банклар ва бутун банк тизими фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг замонавий тизимини жорий қилиш каби устувор вазифалар белгилаб берилди.

Жаҳон амалиётида инвестицион ресурсларнинг асосий манбаларидан бири аҳолининг маблағлари (инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг 70 фоизигача) ҳисобланади.


Шунга кўра, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 21 февралда, “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 28 ноябрда имзоланган фармонлари ва 2009 йил 6 апрелдаги “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада

рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида жисмоний шахсларнинг банклардаги депозит ҳисоб варақларига қўйилган пул маблағларини ўзларининг хохишларига кўра ва чекловсиз тасарруф этишлари мумкинлиги, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустахкамлаш чоралари, омонатлар сақланиши, банк сири, мижозларнинг биринчи талабидаёқ уларнинг ҳисоб варақларидан маблағлар ҳеч қандай тўсиқсиз берилишини таъминлаш кафолатланди.

Банклар томонидан жалб қилинган жами депозитлар ҳажми йил бошига нисбатан 36,3 фоизга ошиб, 2012 йил 1 январь ҳолати бўйича 18 триллион сўмни ташкил этди. Банклардаги омонатлар ҳажмининг ошишида аҳоли реал даромадларининг ўсиши ҳамда банк тизимининг барқарорлиги асосий омил бўлгани ҳолда, банклардаги омонатларнинг тўлиқ қайтарилиши давлат томонидан кафолатлангани ва улардан олинадиган фоиз даромадлари солиқдан озод этилгани банк депозитларини қулай, хавф-хатарсиз ва барқарор даромадли молиявий инструментга айлантирди.

Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, ҳозирги вақтда тижорат банклари томонидан 400 дан ортиқ жозибадор омонат турлари таклиф этилмоқда.

Натижада аҳолининг банклардаги пул маблағлари қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,7 триллион сўмга ёки 1,4 баробар ортиб, 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра, 6,2 триллион сўмга етди.



2.8.-расм. Тижорат банкларида аҳоли омонатлари қолдигининг ўсиш динамикаси.

Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банкларида аҳоли омонатларининг миқдори сўнгги 4 йилларда фақат ўсиш динамикасига эга бўлган.

Аҳоли омонатларининг таркибида жамғарма ва муддатли омонатлар улуши 88,1 фоизни ташкил этди. Бу фуқароларимизнинг банк тизимига бўлган юксак ишончидан далолат беради. Хозирги кунда банкларимизнинг умумий активлари ҳажми аҳоли ва юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан икки баробардан ҳам кўпдир. Бу эса ушбу маблағларни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда хизмат кўрсатишни кафолатлайди. Банклардаги омонатлар ҳажмининг ошишида аҳоли реал даромадларининг ўсиши ҳамда банк тизимининг барқарорлиги асосий омил бўлгани ҳолда, аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида ҳам сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар юз бермоқда.

Аҳолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари барқарор ошиб бормоқда, унинг харид қобилияти муттасил ўсмоқда, фуқароларимиз истеъмол қиладиган маҳсулотлар таркибининг сифати ортмоқда.

2.3. ТИФ “Миллий банк” томонидан ТИФ ривожлантириш устувор йўналишлари

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнесни ривожланишдаги мавжуд муаммоларни ечимини топиш ва 2007-2015 йилларда истиқболлаштирилаётган параметрларни таъминлаш, ушбу соҳада тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг йўналишларини аниқлаш ва улар бўйича чора тадбирларни белгилашни талаб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кичик бизнесда тадбиркорлик фаоллигини ошириш учун қуйидаги умумий шароитлар таъминлаши зарур:

- миллий иқтисодиётда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш негизида уни барқарор ривожланишини таъминлаш;
- иқтисодиётда рақобат муҳитини шаклланиши таъминлаш;
- кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш тизимини, унинг механизмларини такомиллаштириш асосида ривожлантириб бориш;
- кичик бизнесга хизмат кўрсатувчи инфратузулмаларни самарали ҳаракат қилишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес фаолиятини оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- кичик бизнесни ҳуқуқий-меёрий ва ташкилий асосларини иқтисодиётда турли омиллар таъсирида руй бераётган ўзгаришларга мос равишда узлуксиз такомиллаштириб бориш;
- давлат томонидан кичик бизнес ва ҳуқуқий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш механизмларини самарадорлигини ошириш, бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасидаги янги механизмларни мавжуд шароитларга мослаштирган ҳолда амалиётга қўллаш;
- кичик бизнесни инновация негизида ривожланишини таъминлаш борасида чора тадбирларни ишлаб чиқиш;

-кичик бизнесни молиявий жиҳатдан таъминлаш мавжуд механизмларни самарадорлиги ошириш ва молиялаштириштиришнинг янги манбаларини ҳаракатга келтириш негизида қулай инвестиция муҳитини яратиш;

-кичик бизнесда ишлаб чиқаришни ташкил этишни моддий таъминотини такомиллаштириш;

-кичик бизнесни ташқи иқтисодий фаолият механизмларини такомиллаштириш;

-кичик бизнес соҳаси учун малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш;

-кичик бизнесда кооперацияни чуқурлаштириш.

Кичик бизнесни ушбу йўналишларда олиб бориладиган чора тадбирларни ишлаб чиқишда кичик бизнесни ривожлантириш борасида хорижий тажрибани ўрганиш ва уни мамалкатимиз шароитларига татбиқ этиш муҳимдир. Хусусан, статистик маълумотларга кўра Италияда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 3-5 фоизни ташкил этади ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича АҚШ, Япония, Германия ва Франциядан кейин 5-ўрини эгаллайди.¹ Бу давлатда кичик бизнеснинг ўзига хос хусусияти шундаки, йирик фирмаларда ишлаш билан бирга ўриндошлик бўйича кичик ва хунрамандлик корхоналарида ҳам меҳнат қилиш учун кенг имкониятлар яратилган. Шунингдек ишлов чиқариш тузилмасининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири кооператив (ширкат) секторидир. Корперация шакли мамлакат ташқарисида «саноатлаштиришнинг итальян модели»дир. Бундай саноат округларининг самарадорлиги шундаки, улар маҳаллий имкониятлардан самарали фойдалана оладилар.

Самарали экспорт фаолиятини амалга оширишлари учун ташқи бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган маркетинг мажмуаси ахборотлари билан таъминланган бўлишлари зарур. Бозорларнинг ўзига хос салоҳияти ва бозор конъюктурасидаги ўзгаришлар бўйича жорий ахборот тизимига,

¹ Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ИБ – 2005 йил.

компанияларнинг барча ресурслари бевосита савдо фаолиятига қаратилган ва асосий харидорлар билан доимий алоқа ўрната оладиган ташкилотлар бу экспорт савдо компанияларидир. Жаҳон амалиётида экспорт фаолиятини ташкил этишнинг чет элларда савдо уйлари очиш шакли ҳам ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг шакли сифатида кенг тарқалган.

Ўзбекистон савдо уйлариининг чет элларда ташкил этилиши маҳаллий тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар экспорт фаолияти самарадорлигининг ошишига ҳам имконият яратади. Кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий алоқаларга киришишида савдо воситачилари кўмак беради ва ҳамкорлар ва харидор топишга дастлабки имконият яратилади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ва хорижий тажрибани ўз ичига қамраб олувчи Ўзбекистон Республикасида 2007-2015 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторини янада ривожлантириш дастури”ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Уни ишлаб чиқиш жараёнида қуйилаги жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозим:

Биринчидан, КБваХТ шаклланишида ва ривожланишида тадбиркорлик меҳнат унумдорлиги ва тадбиркорлик фаоллиги ўртасидаги умумий боғлиқлик омилларидан, авваломбор, “Вақтдан унумли фойдаланиш” (йилдан йилга ижобий натижаларга эришиш), “Ишлаб чиқариш узлуксизлиги ёки давомийлиги” (мавсумий ишдан кўра кўп йиллик фаолият афзаллиги) ва “Самарадорлик” (нафлилик) каби кўрсаткичларга эътибор берилиши зарур. Иккинчи омил кўпроқ кичик бизнес субъектларига таалуклидир.

Иккинчидан, тадбиркорлик меҳнат ва тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятлари ўртасидаги умумийлик омилларига, биринчи навбатда, кишиларнинг “меҳнатга янгича муносабати” (мулк ҳисси, бойиш истаги, яратувчанлик ва ҳ.к.) ҳамда “меҳнат фаолияти ижод, ақл ва тафаккур орқали

амалга ошади” (айниқса, кичик бизнес учун), “меҳнатга оқилона муносабат” (кўпроқ фермер хўжаликларида) сингари омил-кўрсаткичлар соҳа тадбиркорларининг маънавий-ақлий шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорнинг бой маънавий қиёфага эга бўлишни, билим–малакасини оширишни ўз фаолиятига янгича қараши ва ишини оқилона ташкил этишини зарурий мақсадга айлантиради.

Учинчидан, ҳар бир тадбиркор ўз фаолиятини самарали ташкил этишда меҳнат бозорининг ишчи кучига бўлган талаби ва тадбиркорлик қобилияти хусусиятларининг умумийлигида, авваломбор, “иждоқорлик” (инноваторлик), “ишчанлик”, “яратувчанлик” (бунёдкорлик) каби хусусиятларга ижобий, устивор муносабатда бўлиши талаб этилади.

Шунингдек, тадбиркорлик фаоллигини баҳолашда қуйидаги мезон-кўрсаткичлар кетма-кетлиги (афзалий қатори) тавсия этилади:

- Маҳсулот (иш, хизмат) сифатининг яхшиланиши;
- Илғор техника ва технологиядан фойдаланиш даражаси;
- Рақобат муҳитини шакллантиришдаги ҳиссаси;
- Меҳнат самарадорлиги орқали ижтимоий-адолатли тақсимотга эришиши;
- Янги иш ўринлари яратиши.

Тўртинчидан, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашда, аҳоли бандлигини оширишда янги иш ўринлари барпо этишнинг самарали йўли ҳисобланган КБваХТ фаоллиги унинг таркибий турлари бўйича қуйидаги афзаллик қаторига (кетма-кетлигига) эга эканлиги инобатга олиниши даркор:

- ташкилий-бошқарув фаоллиги;
- инвестиция фаоллиги;
- ишлаб чиқариш фаоллиги;
- маркетинг фаоллиги;
- молиявий фаоллик;
- инновация фаоллиги;

-бошқа фаоллик турлари.

Бешинчидан, ҳудудларда КБва ХТ ривожланишининг ўзгариши ва таъсир доирасини баҳоловчи ижтимоий-иқтисодий мониторинг яратиш зарур бўлиб, унда, авваломбор, қуйидаги кўрсаткичлар ўз аксини топиши тақозо этилади:

-доимий яшовчи аҳоли сони, минг киши;

-аҳолини ўртача йиллик даромадининг ўзгариши, %;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони;

-КБваХТ секторининг вилоят (шаҳар, туман) ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши,%;

-мамлакатда) КБваХТ орқали яратилган янги иш ўринлари сони;

-КБваХТ соҳаси ходимларининг ўртача йиллик иш ҳақининг ўзгариши,%;

-КБваХТ соҳада тадбиркорлик фаоллигининг ўзгариш даражаси,%.

Мазкур ижтимоий-иқтисодий мониторинг кўрсаткичлари орқали мамлакатда КБваХТ соҳаси субъектларининг тадбиркорлик фаоллиги даражаси ўрганилади ва тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади ва истиқбол дастўрини ишлаб чиқариш имкони яратилади.

Кичик бизнеснинг мамлакат иқтисодиётида тўтган ўрнидан келиб чиққан ҳолда ва ушбу соҳада сифат ўзгаришларига эришиш учун дастурнинг бош мақсади:

Кичик бизнес соҳасини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш асосида ушбу секторни барча томонидан эътироф этилган вазифаларини тўлиқ бажаришни таъминлаш ва ривожлантиришида янги сифат босқичига ўтишини таъминлашдан иборат. Кичик бизнесни ривожланишини жадаллаштириш негизида уни ялпи ички маҳсулотдаги ҳисасини 66,1 фоизга етказиш.

Мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес субъектларининг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш мақсадида дастурда қуйидаги йўналишларда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади:

-тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва фаолият юритишнинг ҳуқуқий меъёрий базасини такомиллаштириш. Бунда мансабдор шахслар томонидан буйруқбозлик ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида уларнинг масъуллигини оширишга муҳим эътибор қаратилади;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ноқонуний ва асоссиз аралашуви ҳолатларини бартараф этиш;

-йирик корхоналарни таркибий ўзгартириш натижасида бўшаб қолган нотураржой бинолар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини кичик корхоналарга бериш;

-йирик саноат корхоналарида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун импортга мўлжалланган эҳтиёт қисмлар, деталлар ва керакли ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича Дастурни амалга ошириш;

-кичик бизнес учун мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва сифатини ошириш.

Дастурда кичик бизнесни инновация асосида ривожланишини таъминлаш қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

-технологик жараёнларни доимий равишда янгилаб бориш асосида маҳсулот сифатини ошириш ва ресурсларни тежалишига олиб келувчи иновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш мезанизминини такомиллаштириш;

-инновацияларни харид қилиш ва ундан ишлаб чиқаришда фоидаланиш амалга ошириш механизминини сифатида яратилган инновацияларни танлов асосида имтиёзли равишда кичик корхоналарга сотиш;

-қисқа даврда ишлаб чиқаришда аслида қўллаш мумкин бўлган инновацияон ишланмаларни давлат томонидан ишлаб чиқарувчиларни жалб этган ҳолда молиялаштиришни ташкил этиш;

-иновацион тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш.

Кичик бизнесни молиявий ресурслар билан таъминлаш йўналишда Дастурда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган:

- молиялаштириш ва суғурта лойиҳаларини амалга киритишни кенгайтириш, кафолат бериш ва механизмини такомиллаштириш;

- операцияларини қўллаш;

- лизинг;

- бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига имтиёзли кредитлаш ва микрокредитлаш;

- кичик бизнес субъектларига лизинг асосида ускуналар сотиб олишни маблағлар билан таъминлаш;

- тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш, хизматлар кўрсатиш ҳажмини оширишга қаратилган кредитлар бериш механизмларини такомиллаштириш;

- маҳаллий хом-ашёдан чет эл кредит линияларини, шунингдек миллий валютадаги маблағларни жалб этган ҳолда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган миниускуналар яратиш амалиёти давом эттирилади.

Кичик бизнес субъектларининг моддий-техник таъминоти бўйича келгусидаги 2008-2015 йилларда амалга ошириладиган ишлар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- биржа, аукцион ва ярмаркалар савдо доирасини кенгайтириш;

- замонавий техника ва технологиялар лизингини кенгайтириш.

Бунга эришиш учун қуйидаги тадбирлар амалга ошириш назарда тутилади:

- республикада ишлаб чиқарилаётган мини ускуналар, технологиялар каталогини тузиш;

- вилоят мисолида хом-ашё, моддий-техника, меҳнат ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар базасини такомиллаштириш;

-ҳар бир тадбиркорлик субъектларининг хом-ашё ва ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтиёжини шакллантириш тизимини такомиллаштириш;

-мамлакатда бу тадбирлар бажарилса озиқ-овқат, чакана ва улгуржи савдо ярмаркаларининг кенг қўламда фаолият кўрсатишини таъминлаш.

Бунинг учун, албатта, кичик бизнес субъектларини ахборот-маслаҳат марказлари билан таъминлаш орқали қўллаб-қувватлаш зарур. Кичик тадбиркорлик субъектларини ахборот-консалтинг хизматлари билан қўллаб қувватлаш қуйидагилар орқали таъминланади:

-вазирлик идораларининг тегишли бўлимлари (Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси, Давлат божхона бошқармаси, Адлия бошқармаси, Ташқи иқтисодий алоқалар институтлар савдо бошқармаси ва бошқалар);

-Савдо-саноат палатасининг ва тадбиркорликнинг бошқа жамоат ташкилотларининг ахборот-маслаҳат бўлимлари, хусусий консалтинг, аудитор, адвокат фирмалари ва солиқ маслаҳатлари;

-махсус газета ва журналлар;

-тадбиркорларга стандартлаштириш техник-иқтисодий маълумотларни, кодлаш ва классификация бериш масалалари бўйича услубий ва амалий ёрдамларни кенгайтириш;

-кичик бизнес субъектларининг нафақат бухгалтерия ҳисоби ва молия ҳисоботларини юритишда, балки мижозларга ўз бюджетларини режалаштиришда ҳуқуқий ва консалтинг маълумотларни олишда ривожланган даражадаги ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда олиб бориш имкониятларини яратиш.

Хулоса ўрнида ишонч билан айтиш мумкинки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўсиши билан биз мамлакатимизда таянчимиз бўлганмулкдорлар ўрта синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳли бандлигини

таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинга айланади. Иқтисодий илмлар ривожлантиришнинг энг муҳим омили, жамиятимиз ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати, мамлакатимизни тараққиёт йўлидан олға етаклайдиган фаол ҳаракатланувчи кучи сифатида амал қилади.

2014 йилга мўлжалланган монетар сиёсат ва банк тизимининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги дастурий маърузасида белгиланган устувор вазифалар асосида ишлаб чиқилган. 2014 йилда монетар сиёсат инфляциянинг 7-9 фоиз миқдоридаги мақсадли кўрсаткичлар доирасида бўлишини ва миллий валюта барқарорлигини таъминлашга қаратилади. Бу эса, ўз навбатида, узоқ муддатли юқори ва барқарор иқтисодий ўсиш учун замин яратади ҳамда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритилиши натижасида ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиши машина ва металл ишлаб чиқариш, кимё ва нефть-кимё саноати, енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқларида юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланади. 2014 йилда барча манбалар ҳисобидан йўналтириладиган инвестициялар ҳажмининг 9,3 фоизга ўсиши кутилмоқда. Жумладан, республика иқтисодиётига жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳажмининг 16 фоизга ошиши прогноз қилинмоқда.

Инвестициялар, биринчи навбатда, иқтисодий барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлилигини ошириш ва маҳсулот бирлигига харажатлар салмоғини пасайтириш, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилиш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларини яратиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш;

- ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш, биринчи навбатда, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш ишларини, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурини амалга оширишни давом эттириш;

- янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш билан боғлиқ лойиҳаларни ва тадбирларни амалга оширишга йўналтирилади.

2014 йилда аҳолининг реал даромадларини ва бандлигини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ички истеъмол бозорини ривожланишига, ички талабнинг ўсишига хизмат қилади.

Жаҳон иқтисодиётида юз бераётган инқироз жараёнлари натижасида дунё бозорида хом ашё ва тайёр маҳсулотга экспортнинг пасайишини инобатга оладиган бўлсак, бу ҳолат, мамлакат экспортига салбий таъсир этмай қолмайди. Шунга қарамай, экспорт қилувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш ва маҳаллийлаштириш дастурини изчил давом эттириш натижасида ташқи савдо айланмаси ижобий сальдосининг сақланиб қолиши прогноз қилинмоқда.

Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг 2014 йилга мўлжалланган мақсадли параметрларидан ҳамда экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада рағбатлантириш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда сўмнинг алмашув курси девальвациясини босқичма-босқич амалга ошириш сиёсати юритилади. Бунда, асосий эътибор сўмнинг реал эффектив алмашув

курси динамикасига қаратилади. Сўмнинг девальвация даражаси реал эффектив алмашув курсининг пасайишини таъминлаб, экспорт рақобатдошлигини оширишга хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот мавзуси бўйича иқтисодий адабиётларни ўрганиш ва тижорат банклари барқарорлигини таъминлаш амалиёти бўйича ўтказилган таҳлил асосида қуйидаги хулоса ва таклифларни қилиш жоиз:

1. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожланган мамлакатларнинг пул -кредит орқали тартибга солиш тажрибаларидан фойдаланмоқ лозим.

Банк тизимининг барқарорлиги ва миллий валютанинг мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан мамлакатнинг Марказий банк томонидан амалга оширилаётган пул -кредит сиёсатининг мазмун - моҳиятига боғлиқ. Марказий банкнинг олиб бораётган пул -кредит сиёсатининг ўзига хослиги миллий анъаналарни, кўп асрлик тажрибаларни ва мамлакат иқтисодиётининг ҳозирги ўтиш даври вазиятини ҳисобга олмоғи даркор.

2. Миллий иқтисодиётининг ҳозирги кундаги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда пул-кредит воситалари орқали тартибга солиш усуллариининг таҳлили мажбурий захира инструментининг тезкорлигини ошириш ва ушбу фонддаги маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги таклифларни киритишга асос бўлади:

- Тижорат банкларнинг Марказий банкдаги мажбурий резервлар фондига ажратмалар меъёрини муддатсиз ва муддати уч йилгача бўлган депозитлар учун 20 фоиздан 10 фоизгача, муддати уч йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун 10 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш;

- айрим тараққий этган хорижий мамлакатлардаги сингари бизнинг мамлакатимизда кам тижорат банкларига уларнинг мажбурий захиралар фондидаги маблағлари учун Марказий банк томонидан муайян фоиз даромадларини тўлаш;

- Мажбурий захира талабномаларнинг тижорат банклари ликвидлигига салбий таъсирини бартараф этиш мақсадида Марказий банк томонидан захирага ўтказилаётган маблағларнинг алоҳида ҳисоб рақамига олиб қўйилишини тўхташ ва уларни резервга ажратма меъёрига амал қилинаётган мунтазам текшириб туриш шарти билан тижорат банкларининг вакиллик ҳисоб рақамларида қолдириш мақсадга мувофиқ бўлар эди деб ўйлаймиз.

3. Жаҳоннинг тараққий этган барча мамлакатлари у ёки бу шаклдаги депозитларни суғурталаш тизимига эга бўлиб икки поғонали банк тизимининг шаклланиши республикамизда ҳам унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу тизимни ташкил этишни тақозо этади.

Иқтисодий пул -кредит воситалари орқали тартибга солиш ҳамда тижорат банклари фаолиятини тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш бўйича кайд этиб ўтилган таклифларнинг амалда қўлланилиши бизнинг фикримизча тижорат банклари ликвидлиги ва тўлов қобилиятининг ошишига, банк тизимининг янада ривожланишига, миллий пулимиз қадрининг ошишига ва пировардида мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан баркамоллашувига олиб келади.

Тижорат банкининг ликвидлигига ва тўлов қобилиятига бевосита таъсир кўрсатувчи бир қатор омилларни ажратиш мумкин.

Биринчидан, тижорат банклари Республика Марказий банки томонидан олиб бориладиган реструкцион сиёсатнинг оқибатларини ўзларида сезадилар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий ҳисоб ставкасининг оширилиши, мажбурий резерв меъёрлари ва устав фондиди энг кам микдорининг ўзгариши, тижорат банкларининг актив ва пассив операцияларининг таркиби ва самарадорлигига бевосита таъсир килувчи иқтисодий меъёрларнинг ўрнатилиши кабилар.

Иккинчидан, банкларнинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятига мамлакатнинг банк соҳасидаги фискал сиёсати таъсир кўрсатади. Бу бевосита

ва билвосита тўловчиси банк ҳисобланган солиқларнинг сони ва турини белгилаш; солиқ ставкалари миқдорини; улар бўйича имтиёзларни ва ундириш усуллариини белгилаш орқали намоён бўлади.

Учинчидан, сўнгги вақтларда пул -кредит орқали тартибга солишга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг очик бозорда давлатнинг қимматбаҳо қоғозлари билан амалга оширадиган операциялари кучли таъсир кўрсата бошлади.

Бундан ташқари, тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятига таъсир этувчи микроиқтисодий омиллар ҳам мавжуд бўлиб, улар сирасига қуйидаги асосийларини киритиш мумкин: тижорат банкининг ресурс базаси, қўйилмалар сифати, менежмент даражаси, шунингдек, банк фаолиятининг функционал тизими ва ушбу фаолиятнинг рағбатлантирилиши.

Тижорат банкининг тўлов қобилиятига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллардан бири - бу унинг ўз сармояси билан таъминланганлигидир. Банкнинг ўз сармояси - уни молиявий ресурсларининг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланади.

Банкни ўз сармоясининг унинг маблағлари таркибидаги роли банкнинг барқарорлиги ва фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун ғоят муҳимдир. Банкнинг ўз сармояси - бу биринчидан молиявий ресурсларнинг манбасидир ва бу айниқса, банк фаолиятининг бошланиш босқичида яққол намоён бўлади.

Банкни ўз сармоясининг яна бир муҳим вазифаси - ҳимоя кафолатлаш вазифасидир. Бу худди машина буфери сингари барча оғирликни ўз зиммасига олади. Ҳар қандай вақтда банк ўз капитали билан омонатларни қайтара олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т.: "Ўзбекистон", 2005.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонуни, 11.12. 2005.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. 04.04. 2005.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонун, Т.: "Ўзбекистон", 2004.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги қонун, Т.: "Ўзбекистон", 2005.
6. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. «Халқ сўзи». 25.02. 2006.
7. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. «Халқ сўзи». 11.02. 2006.
8. Каримов.И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида.Т.:Ўзбекистон.2005 й. - 528 б.
9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон., 2005.й. - 96 б.
10. «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент. 14.06.2005.
11. «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Тошкент. 15.06.2005.

12. «Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш чора - тадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Тошкент, 2005.

13. «Тўғридан -тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент, 2005.

14. «Пул -кредит кўрсаткичларни тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора -тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 04.02.2005.

15. Ўзбекистон Республикаси банклари тўғрисида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб - китоблар юритиш тўғрисида Низом (янги таҳрир) 02.05.2004.

16. Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда банклараро кредит бюросига ва тижорат банкларига кредит ахборотларни тақдим этиш тартиби тўғрисида Низом. 21.05.2004.

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари тўплами. Т.: 2005.

18. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Т.: "Молия". 2005, 510 б.

19. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Т.: "Молия". 2004, 310 б.

20. Банковское дело: Учебник под ред. Белоглазовой Г.Н., Кроливецкой. Л.П. - 5 -е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2006. - 592 б.

21. Деньги, кредит, банки \ Под ред. Белоглазовой Г. Н. Пособие для сдачи экзамена. - М.: Юрайт -Издат, 2006. - 160 б.

22. Деньги, кредит, банки. Под ред. Г.Н. Белоглазовой: Учебник. - М.: Юрайт-Издат, 2006. - 620 б.

23. Стародубцева. Е. Б. Основы банковского дела: Учебник. - М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006. - 256 б.

24. Жарковская Е.П. Банковское дело. Учебник. - М.ЮМЕГА - Л, 2005.-440 б.
25. Финансы / Под ред. Г.Б. Поляка. - М.: ЮНИТИ-ДАНА» 2004. - 607 б.
26. Гвозденко А.А. Страхование. Учебник. - М.: ТК, Велхи, 2004.-464 б.
27. Миляков Н.В. «Финансм». Учебник. -М.: ИНФРА-М, 2004.-543 б.
28. Поляк Г.Б. "Финанси, денежное обращение, кредит" - М.: 2004, 458б.
29. Лаврушин О.И. Банковское дело. Учебник. - М.: Финанси и кредит., 2003.-654 с.
30. Алимов И.И., Хусанбоев А.Ғ. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари. Ўқув қўлланмаси. ТДИУ.,2006. 221б.
31. Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Пул муомаласи, кредит ва молия. Ўқув қўлланмаси. ТДИУ. 2005. 310 б.
32. Тоймухамедов И.Р. Банк иши. Ўқув қўлланмаси. ТДИУ.2005., 239 б.
33. Голиш Л.В. Введение в технологизацию обучения в экономическом вузе: Книга 2. Технологии обучения в экономическом образовании. - Т.: ТГЭУ, 2005.- 796 б
34. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: Учебное пособие. Афанасьева О.Н., Корниенко. С.Л., под ред. засл. деятеля науки РФ д.э.н., проф. О.И. Лаврушина. - 2-е изд. - М: КНОРУС, 2006. - 256 б.
35. Стародубцева. Е. Б. Банковские операции: Учебное пособие. - М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006. - 128 б.
36. Дон Патинкин. Деньги, процент и ценм. - М.: Экономика, 2004. - 375б.
37. Мазурина Т.Ю., Скамай Л.Г. Финансм фирмь Практикум: Учеб. пособие. - М.: ИНФРА-М, 2004. - 185 б.

38. Свиридов О.Ю. Финансы, денежное обращение, кредит. Экспресс справочник для студ. вузов. - М.: ИКЦ Март, Ростов н\д. Изд. центр Март, 2004. - 288б.
39. Скамай Л.Г. Страхование. (Вопрос -ответ): Учеб. пособ. - М.: ИНФРА-М., 2004.-160 б.
40. Сплетунов Ю.А, Дюжиков Е.Ф. Страхование: Учеб пособие. - М.: ИНФРА -М, 2004. - 312б.
41. Дробозина Л.А. «Финансы» - М.: 2005, -398б.
42. Болтаев Т. Развитие рынка синдицированного кредитования. Бюллетень, кредит. № 10, 2005 г. б. 22-24.
43. Буздалин А.А. Факторы оптимальной ликвидности. Банковское дело. М. 2005 г. №1 бет. 2-7.
44. Крупнов Ю.С. О природе эмиссионных ресурсов Центральные банки. Банковское дело № 8, 2005 г. б. 38 - 43.
45. Малахова Н.Г. Деньги, кредит, банки. конспект лекций. - М.: Приор, -2004. -96б.
46. Алимов Н.Р. Узбекистон Республикаси инвестиция бозорида тижорат банкларининг роли. Номзодлик диссертацияси.Т., 2005.
47. Идрисов Н.Д. Инвестиции: привлечение использование и управление в условиях современной России. Докторская диссертация. - М., 2004 г.
48. Лопатенко В.Г. Инвестиционная деятельность и налоговые механизмы ее стимулирования. Кандидатская диссертация. - М., 2004г.
49. 19 -е Международные Плехановские чтения. Тезисы докладов профессорско - преподавательского состава и специалистов - практиков. Март, 2005 г.
50. «Узбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнида эркинлаштириш ва жаҳон тажрибасини қўллашнинг долзарб муаммолари»

мавзусидаги ҳалқаро илмий -амалий конференция тўплами. Ўзбекистон Республикаси Банк Молия Академияси, 30 май 2003.

51. Банковское дело. 2012 й. №1-6
52. Финанс и кредит. 2011й. №1-33
53. Банк ахборотномаси. 2011 - 2012 й.№ 1 - 54
54. Бозор, пул ва кредит. 2004-2005 й. №1 - 12
55. Ўзбекистон Республикасининг 2012 й январ - март статистик ахборотномаси.
56. Ўзбекистон иқтисодиёти. Тахлийий шарх.. 2012 й. №7
57. Экономика Узбекистана. Аналитический обзор за 2005 - 2010 й
58. Исмоилов Н.Р. Ўзбекистон Республикаси кредит тизимини такомиллаштириш. ТДИУ. 2005 й.
59. [http: // www.gov.uz](http://www.gov.uz)
60. [http: // www.mf. uz](http://www.mf.uz)
61. [http: //www.mineconomu.uz](http://www.mineconomu.uz)
62. [http: // www.mexnat.uz](http://www.mexnat.uz)
63. [http: // www.edu.uz](http://www.edu.uz)
64. [http: // www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz)
65. [http: // www.stat.uz](http://www.stat.uz)
66. [http // www.markaz.uz](http://www.markaz.uz)
67. [http: // www.lex.uz](http://www.lex.uz)